

ТАЙНЛАНДИЛАР



**Подполковник
Ҳабибулло Ғиёсович
РАҲМОНОВ** — Бухоро
вилояти Вобкент тумани
ИИБ бошлиғи лавозимига



**Подполковник
Наврўз Раҳмонбердие-
вич АЛИМОВ** — Тошкент
вилояти Оҳангарон тумани
ИИБ бошлиғи лавозимига



**Подполковник
Азизбек Алиасқарович
АЛИАСҚАРОВ** — Тошкент
вилояти Бекобод шаҳар
ИИБ бошлиғи лавозимига

Конференция

ТАВСИЯЛАР ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Ҳозирги глобаллашув ва ахборот асрида маънавий-ахлоқий ўзликни сақлаб қолиш, ёш авлод онгу шуурига миллий мустақил-лигимизни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган маънавий кадрларни сингдириш вазифаси ҳар қачонгидан ҳам муҳим бўлиб турибди.

Юртбошимиз таъкидлаб ўтганларидек, «Кенг билим ва тафаккур-га, юксак профессионал ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлган, замонавий фикрлайдиган, интеллектуал жиҳатдан ривожланган, ватанпарвар ҳарбий кадрларни тайёрлаш масаласи ҳал қилувчи аҳамият касб этади».

Шу сабабли ҳам ўтмишдаги буюк мутафаккир аждодларимиз қолдирган бой маънавий-маданий меросни ўрганиш, ундан замон талабига мос равишда фойдаланиш мақсадида ИИБ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу анжуман «Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда маънавий-ахлоқий мероснинг ўрни» мавзусига бағишланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда олий таълим

муассасаларининг вакиллари иштирок этди.

Ёшлар маънавий салоҳиятининг энг муҳим мезонларидан бири бу ватанпарварликдир. Бу туйғуни ўз фарзандининг қалбига сингдира олган ота-онанинг ҳамда шундай руҳ билан яшайдиган халқнинг келажиги албатта, порлоқ бўлади. Юртини севган, унинг истиқболига ишонган ҳар бир фуқаро учун Ватан тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш асосий мақсад бўлмоғи лозимдир. Шунинг учун бизнинг асосий вазифаларимиздан бири ватанпарварлик ва миллий гуруҳни ёшлар қалбига сингдиришдан иборатдир.

Ана шу долзарб вазифа муҳа-кама қилинган ушбу муҳим тадбирни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник А. Мирзаев кириш сўзи билан очиб, жумладан шундай деди: «Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда маънавий-ахлоқий меросимиздан фойдаланишда биринчи нав-



батда истиқболдаги мақсад ва вазифаларимиздан келиб чиқишимиз муҳим ҳисобланади. Бизнинг ҳозирги мустақил тараққиёт йўлимиз яқин ва узоқ ўтмишимиздаги аждодларимизнинг юксак маънавий-ахлоқий кадрларга асосланган меҳнатлари ва шижоатлари натижасидир. Бу меросга содиқ бўлиш, ундан самарали фойдаланиш – озод ва обод Ватан фаровонлигини ва эл-юрт тинчлигини таъминлашнинг кафолатидир».

Дарҳақиқат, ҳозирги ёшларимиз аждодларимиз меросини ўрганишлари ва у билан фахрли ишлари табиий саналади. ИИБ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти катта ўқитувчиси, подполковник К. Усмонов ўзининг «Ўзбек халқи маънавий-ахлоқий меросида ҳарбий-ватанпарварлик ғояларининг талқини» мавзусида-

ги маърузасида: «Бугунги кунда юртимиз ёшларини ватанпарварлик руҳида тарбиялаш замон талаби даражасига кўтарилди. Чунки қайси соҳанинг мукамал мутахассиси қилиб тарбиялашимиздан қатъи назар, аввало уларнинг қалбида ватанпарварлик туйғусини шакллантиришимиз зарурдир. Ана шундагина биз ўз олдимизга қўйган улкан мақсадларни забот эта оламиз», – дея таъкидлади.

Қизгин кечган анжуманда кун тартибидagi масалалар юзасидан бир қатор етакчи мутахассисларнинг фикрлари эшитилиб, бу соҳадаги мавжуд муаммолар муҳокама қилинди ва уларни бартараф этишга доир тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Михли САФАРОВ,
кичик сержант.**

*Суратда: тадбирдан лавҳа.
Ш. КАҲҲОРОВ олган сурат.*

Семинар

Тошкент шаҳар ИИБда «Ички ишлар органларида алоқа ва телекоммуникация тизимини ривожлантириш, модернизация қилиш, рақамли тизимга ўтказиш ҳамда фуқароларнинг хабар ҳамда мурожаатларини қабул қилиш, рўйхатга олишнинг автоматлаштирилган ахборот тизимини ташкил этиш борасида илғор ахборот коммуникация технологиялари имкониятларидан фойдаланиш» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Унда вазирликнинг Алоқа бўлими ва республикамиз ички ишлар идоралари алоқа хизмати раҳбарлари ҳамда масъул ходимлари иштирок этди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўринбосари, подполковник Ё. Турсунов очиб, бошқарувни самарали ташкил этишда алоқа воситаларининг ўрни ва бугунги кунда соҳа тако-

ТИЗИМ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШАДИ



миллашуви йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлар хусусида гапирди. Шундан сўнг ИИБ Алоқа бўлими бошлиғи, подполковник С. Раҳмонов сўзга чиқиб, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва

фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда илғор замонавий ахборот технологиялари ва коммуникациялари базасида амалга оширилган ишлар, телекоммуникация соҳасида яратилган қулайликлар билан таништирди.

Шунингдек, кун тартибидagi масала юзасидан бошқа иштирокчиларнинг ҳам маърузалари тингланиб, ички ишлар идоралари фаолиятида жорий қилинган ва келгусида татбиқ этилиши режалаштирилаётган янгилликлар намойиш этилди ҳамда хизмат фаолиятида алоқа йўналишида учраётган муаммолар, йўл қўйилган камчиликлар ва уларнинг ечимлари хусусида фикр алмашилди.

Семинар-йиғилиш якунида бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

**Рашид ШУКУРАЛИЕВ,
подполковник.
Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.**

Матбуот анжумани

ҲАМКОРЛИҚДА МУАММОЛАР ЕЧИМ ТОПМОҚДА

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида «Профилактика инспекторларининг давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда жамоатчилик вакиллари билан ўзаро ҳамкорлиги» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҲООББ, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофазаси қилиш вазирликлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раҳбарлари ҳамда масъул ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирни ИИБ ҲООББ бошлиғи, полковник У. Нарзуллаев очиб, бугунги кунда профилактика инспекторлари томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, бошқа давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар хусусида тўхталди. Ана шу ҳамкорлик самараси ўлароқ, жорий йилнинг ўтган даври-

да кўплаб оилавий низо-лар ижобий ҳал этилгани, ажралиш арафасида турган оилалар яраштирилгани ва эҳтиёжмандларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатилганини қайд этди. Аҳоли ўртасида олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида хорижда ишлаб қайтган фуқаролар ўз ихтиёри билан тиббий кўрикдан ўтиб, айримларида аниқланган ка-



салликлар бўйича даволаш чоралари кўрилганини таъкидлади.

Матбуот анжуманида ўқувчи-ёшларни миллий маънавиятимизга зид ғоялардан асраш, аҳоли бандлигини таъминлаш, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш сингари масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Маълумки, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг асосий йўналишларидан бири аҳолининг бандлигини таъминлаш ҳисобланади. Зеро, таҳлиллар аксарият жиноятлар бекорчилик оқибатида келиб чиқишини кўрсатади. Шу боис ҳам ҳудудларда янги иш ўринларини яратиш, ёшларнинг бўш вақтларини

мазмунли ташкил этиш, доимий яшаш жойидан узоқ муддатга кетган шахсларнинг оила аъзолари билан суҳбатлашиб, ҳар бир вазиятдан бохабар бўлиш каби муҳим масалалар тегишли ташкилот ва идораларнинг ҳамкорликда иш олиб боришини тақозо қилади. Аксарият ҳудудлардаги милиция таянч пунктларининг

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан бир бинода фаолият юритаётгани, тўғарақлар, спорт майдончалари ва турли маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларининг ҳам ушбу маскан яқинида жойлашгани аҳолига қулайлик туғдирмоқда. Уларнинг муаммолари осонлик билан ечим топишида ортиқча сарсонгарчиликларга йўл қўйилмаётир.

Мутасадди ташкилотлар вакиллари маърузаларида бу борада амалга оширилган бир қанча ижобий ишлар эътироф этилди.

Савол-жавоб ва баҳс-мунозаралар руҳида ўтган матбуот анжумани сўнгида келгусидаги вазифалар белги-ланиб, ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга келишиб олинди.

**Иномжон
РАХИМҲУЖАЕВ,
сержант.
Шавкат КАҲҲОРОВ
олган сурат.**

Хабар

КУН ТАРТИБИДА – ХИЗМАТ ИНТИЗОМИ

Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги кўриқлаш бошқармаси шахсий таркибининг пойтахтимиздаги А. Навоий номидаги кино саройида бўлиб ўтган навбатдаги йиғилиши хизмат интизоми ва қонунийликни мустақамлаш масаласига бағишланди.

Тадбирда Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги кўриқлаш бошқармаси бошлиғи, подполковник Р. Маҳмудов сўзга чиқди. Нотиқ ходимлар ўртасида хизмат интизоми мустақамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, йўл қўйилган камчиликларга батафсил тўхталди. Ходимларнинг фуқаро билан яхши муомалада бўлиши, хизмат кийимини кийиб юриш тартибига риоя қилиши, оиладаги ўрни, вазифа ва бурчларини сидқидилдан бажаришлари юзасидан ҳам гапириб ўтди. Шахсий таркиб ўртасида ҳуқуқий маданиятни ошириш

бўйича олиб борилаётган ишларни янада жонлантириш лозимлигини таъкидлади. Хусусан, хизмат интизоми ҳамда қонунийликни мустақамлаш борасидаги вазифаларга алоҳида урғу берди. Мавжуд камчиликларни бартараф этилиши учун эса ҳар бир ходим билан яқна тартибда суҳбат ўтказиш лозимлигини уқтирди.

Шунингдек, йиғилишда ИИБ ШТБМИ масъул ходими сўз олиб, ички ишлар идоралари ходимлари томонидан содир этилган жиноятлар, хизмат интизоми ва қонунийликка



амал қилмаслик ҳолатлари бўйича мисоллар келтирди.

Тадбир доирасида кўриқлаш хизматида кўп йиллар самарали хизмат қилиб, жамоада ҳурмат қозонган бир гуруҳ ходимлар нафақага кузатилди.

Фурқат ГАЙБУЛЛАЕВ,
кичик сержант.
Шавкат ҚАХҲОРОВ олган сурат.

Тадбир

КУРСАНТЛАР
БИЛАН МУЛОҚОТ

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ШТБХга бевосита бўйсунувчи Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Фарғона шаҳар марказида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, янги қабул қилинаётган қонунлар ва уларнинг мазмун-моҳияти юзасидан семинар ўтказилди. Ушбу тадбир Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди, вилоят Адлия бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Миллий телерадиокомпаниясининг Фарғона вилояти телевидениси билан ўзаро ҳамкорликда ташкил этилди.

Семинарни марказ бошлиғи, полковник У. Ганиев очиб, Ватанимиз мустақилликка эришгандан кейин Юртбошимиз раҳбарлигида суд-ҳуқуқ соҳасида кенг қўлланма ислохотлар амалга оширилганлиги, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга қаратилган мутлақо янги концепция ишлаб чиқилганлиги, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш юқори босқичга кўтарилганини алоҳида таъкидлади. Сўнг вилоят Адлия бошқармаси бўлим бошлиғи М. Топволдиев мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотларга батафсил тўхталди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилганлиги, натижада жазолар енгиллашти-

рилгани, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифаси кўпайгани, оғир ва ўта оғир жиноятлар туркуми камайганлигини қайд этди. Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг катта мутахассиси Р. Турғенов «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурига асосан қарияларга ғам-хўрлик кўрсатишни кучайтириш чоралари кўрилатганини, уларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун кулай ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилаётганлигини айтди. Шунингдек, Давлат дастурида кўзда тутилган яна бир қатор масалалар бўйича ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Семинар давомида курсантлар мавзу юзасидан ўзларини қизиқтирган барча саволларига жавоб олдилар.

Шавкат ЮСУПОВ,
майор.
Фарғона вилояти.

Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармасида вилоят ИИБ ҲООб Жазони ижро этиш инспекцияси ходимлари иштирокида ўқув-методик семинар бўлиб ўтди. Белгиланган режа-дастурга асосан тадбирда вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг етакчи мутахассислари ҳамда ИИБнинг соҳавий хизмат ходимлари қатнашди.

АТРОФЛИЧА
МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Семинарни вилоят ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, подполковник Ф. Юлдашев очиб, юртимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар, олдинда турган долзарб вазифаларга тўхталди. Шундан сўнг вилоят ИИБ ҲООб бошлиғининг ўринбосари, подполковник Б. Абдуллаев, вилоят прокуратураси бўлим прокурори Р. Кенжаев, Жиноят ишлари бўйича вилоят суди судьяси Ж. Ботиров ва бошқалар сўзга чиқиб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларнинг ижро этилишида қонунийликка риоя этиш, шартли ҳукм қилиш бўйича суд ҳукми ва ажримлари ижросини таъминлаш, жазо тайинлаш ва уни ижро этиш тартиблари каби масалалар тўғрисида батафсил тушунчалар беришди. Шунингдек, амалиётда учраётган бир қатор долзарб масалалар ҳамда ечимини кутаётган баъзи муаммолар бўйича ҳам аниқ таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Тадбирда вилоят ИИБ Ахборот маркази, ЭКБ, ХЧК ва ФРБ, ИХХҚ ва ЮТБ ҳамда ШТБХ ходимлари томонидан кун тартибидеги масалалар бўйича машғулотлар олиб борилди.

Семинарда иштирок этган вилоят ИИБ ҲООб Жазони ижро этиш инспекцияси ходимлари ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

Х. РАЗЗОҚОВ.
Хоразм вилояти.

(Давоми.

Бошланиши 1-бетда).

– Республика босқичига етиб келганлар жойлардаги энг яхши терговчилардир, – дея сўз бошлади у. – Биз уларга қобилиятларини намоён этишлари учун барча қулайликларни яратиб беришга ҳаракат қилдик. Кўрик-танловнинг бу йилги республика босқичини кузата туриб бир неча қувонарли ҳолатларга гувоҳ бўлдик. Буларнинг биринчиси, иштирокчилар орасида хотин-қизларнинг сони кўпайгани бўлса, иккинчиси, терговчиларнинг асосан ёшлардан иборат эканлиги. Ёшларнинг шижоатли, интилувчан, қизиқувчанлиги соҳа ютуғидир. Чунки ёш, билимли, зукко терговчилар тизимнинг келажаги. Айниқса, тергов соҳасига кадр-

ЭЪТИРОФГА ЛОЙИҚ ТЕРГОВЧИЛАР

лар чертиб-чертиб олинаётган бир паллада уларнинг ўз билимдонлиги, зукколигини намоён этиши тизим келажагини белгилаб берадиган омилдир.

Шундан сўнг кўрик-танлов якунлари эълон қилинди. «Энг яхши тергов жамоаси» номинацияси бўйича Навоий вилояти ИИБ тергов жамоаси биринчи, Сирдарё вилояти ИИБ тергов жамоаси иккинчи, Самарқанд вилояти ИИБ тергов жамоаси эса учинчи ўринга лойиқ деб топилди. Фолиб жамоалар ноутбук, компьютер жамланмаси ҳамда принтер билан тақдирландилар.

«Энг яхши терговчи» номинацияси бўйича Хоразм ви-

лоят Урганч шаҳар ИИБ тергов бўлими терговчиси, лейтенант Юсупжон Юсупов биринчи ўринга муносиб кўрилди. Сурхондарё вилояти Бойсун тумани ИИБ тергов гуруҳи катта терговчиси, катта лейтенант Самар Рашидов ва Фарғона вилояти Қўқон шаҳар ИИБ тергов бўлими терговчиси, катта лейтенант Соҳибжон Юлдашев иккинчи ўринни эгаллади. Тўпланган баллар натижасига кўра учинчи ўрин Қашқадарё вилояти Косон тумани ИИБ тергов бўлими терговчиси, катта лейтенант Ойбек Ҳайитов, Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳар ИИБ тергов бўлими катта терговчиси, катта лейтенант Матирза

Сейтназаров ҳамда Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани ИИБ тергов бўлими терговчиси, лейтенант Нигора Аширматовга насиб этди.

– Кўрик-танлов дўстона кайфиятда ўтди, – дейди лейтенант Юсупжон Юсупов. – Ўз имкониятларимизни кўрсатдик, ҳамкасбларимиз билан ўзаро тажриба, фикр алмашдик. Шу маррага етиб келишимга, голиб бўлишимга катта ёрдам берган устоз терговчиларга катта раҳмат айтаман.

Кўрик-танловда фаол иштирок этган терговчилар Ички ишлар вазири ўринбосарининг ташаккурномаси билан тақдирланди.

Гули Нигор АБАЗОВА.

ДУНЁДАН



ДАРАКЛАР

ҚУРБОНЛАР СОНИ
ОРТМОҚДА

Маълумки, шу йил 25 апрель куни тонгда Непалда 7,9 балли zilзила юз берган эди. Ушбу табиий офат туфайли қурбон бўлганлар сони кундан кунга ортмоқда. Ҳозирда улар 6200 нафардан ошди. Сўнги маълумотларга қараганда, сал кам 14 минг киши жароҳатланган. Умуман олганда, кучли ер силкиниши мамлакатнинг 39 та туманида яшовчи саккиз миллиондан ортиқ аҳолининг ҳаётига салбий таъсир кўрсатди.

ТИЛИ ЧИҚМАСДАН ТУРИБ

АҚШда туғилдиган болаларнинг ҳар учтадан биттаси ҳали тили чиқмасдан, юришни ўрганмасдан туриб смартфонлар ва планшетлардан фойдалана бошлашар экан. Тадқиқотчилар олти ойлик ва тўрт ёшли болаларни тарбиялаётган ота-оналар ўртасида сўров ўтказишди. Маълум бўлишича, болакайларнинг 52 фоизи телекўрсатувларни томоша қилишар экан. Сўровда иштирок этган ота-оналар фарзандларининг 24 фоизи уяли телефон орқали кўнғироқ қила олишгани, 12 фоизи эса видеоўйинлар ўйнашини айтишди. Ота-оналарнинг 65 фоизи болаларини овутиш, 29 фоизи эса аллалаб ухлатиш учун мобил қурилмалардан фойдаланар экан. Бу яхшими ёки ёмонми – ўзингиз ҳал қилинг. Ҳар ҳолда, бизнингча, фойдасидан зиёни кўп.

АНА ИШҚИБОЗЛИГУ,
МАНА ИШҚИБОЗЛИК!

Ҳамма ҳам нимагадир ишқибоз. Аммо ишқибозлик ҳам эви билан бўлиши керак экан. Германиялик футбол ишқибози ўйиннинг 76-дақиқасида майдонга ўзининг сеvimли ўйинчини тушганини кўриб азбаройи қувонгандан ўрнидан туриб сакрай бошлади. Бу ҳам етмагандек майдон четидаги баланглиги уч метрлик тўсиқни ошиб ўтаётди йиқилиб тушди. Оқибатда иккала оёғи ҳам синди. Уни дарҳол шифохонага жўнатишди. Тўғри, сеvimли жамоаси 2:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Аммо бирорта ҳам голни кўриш ишқибозга насиб этмади.

ЕВРОПОЛ КЎМАГИДА

Франция полицияси Европол ҳузуридаги Кибержиноятчиликка қарши курашиш маркази кўмагида 18 кишидан иборат жиноий гуруҳни қўлга олди. Улар қалбаки POS-терминаллар воситасида мижозларнинг тўлов картчаларидан камидан уч миллион евро маблағни ўмаришган. Ушбу гуруҳ аъзолари ўзларининг жиноий қилмишларини АҚШ ва Таиландда, Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида ҳам амалга оширишган.

ЖАРИМА ҲАМ ТЎЛАЙДИ

Испаниянинг Хихон шаҳрилик собиқ ошпаз ёрдамчиси 48 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм этилди. Уни ўз ҳамкасбларини заҳарлашга уринган деб топилди. Тергов таҳминига кўра, айбланувчи 2005–2012 йиллар мобайнида уларнинг овқатига ичкиликбозликдан даволайдиган дори қўшган. Ушбу дорини қабул қилган киши спиртли ичимлик ичганида, унинг юрак уриши тезлашиб, боши оғриб, кўнгли озади. Бундан ташқари, нафаси сиқиб, кўкрак қафаси оғриб, холсизланади. Терговчиларнинг фикрича, ошпаз ёрдамчиси шу тариқа кўплаб ҳамкасбларидан халос бўлган. Уларни ёмон ишлагани учун бўшатишган, айримлари ўз хоҳишлари билан ариза ёзишган.

Ошпаз ёрдамчиси дорини таниш фармацевтдан ҳеч қандай рецептсиз сотиб олган. Озодликдан маҳрум этиш жазосидан ташқари, у жабрдийдаларга 43580 евро товон пули тўлаши керак. Бу ҳам етмагандек, айбдорга 17091 евро миқдорида жарима солинди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ФАХРИЙЛАР ЭЪЗОЗ-ЭҲТИРОМДА

Бугунги тинч-осойишта ва фаровон кунларга эришишимизда кекса авлод вакиллари, хусусан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг катта ҳиссаси бор. Шу боис мамлакатимизда 1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларига, нуроний кексаларга алоҳида ҳурмат-этибор, эъзоз ва эҳтиром кўрсатилмоқда. Умумхалқ байрами – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ички ишлар идоралари томонидан жойларда ташкил этилаётган тадбирлар бунинг ёрқин ифодасидир.



Самарқанд вилояти ИИБга уруш қатнашчилари, меҳнат fronti иштирокчилари, шунингдек, ички ишлар идораларида кўп йиллар хизмат қилиб нафақага чиққан соҳа фахрийлари таклиф қилинди. Ҳарбий оркестр мусиқаси садолари остида тантанали кутиб олинган меҳмонларни вилоят ИИБ бошлиғи вазифасини бажарувчи, пол-

ковник Ф. Қувондиқов байрам билан қутлаб, нуронийларнинг жамият тинчлиги ва равнақини таъминлашдаги беқиёс ўрнини алоҳида эътироф этди.

Тадбирда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари – 1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини «Иккинчи жаҳон урушидаги Фалабанинг 70

йиллиги» эсдалик юбилей медали билан мукофотлаш тўғрисида»ги ҳамда «1941–1945 йиллардаги уруш қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонларига кўра, бир гуруҳ фахрийларга «Иккинчи жаҳон урушидаги Фалабанинг 70 йиллиги» эсдалик юбилей медали, пул мукофоти ва бошқа совғалар топширилди.

Тадбир иштирокчилари Самарқанд шаҳридаги муқаддас қадам-жо ва тарихий обидаларни зиёрат қилишди, sanoat корхоналарида бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнлари билан яқиндан танишдилар.

А. ЭРГАШЕВ,
майор.

Самарқанд вилояти.
Суратда: тадбирдан лавҳа.

Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармасида ҳам қутлуғ сана – Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Байрам тадбири аввалида сўзга чиққан вилоят ИИБ бошлиғининг ўринбосари, полковник А. Абдурахмонов ва бошқалар йиғилганларни байрам билан қутлашди. Шундан кейин Президентимизнинг Фармонларига мувофиқ, фахрийларга «Иккинчи жаҳон урушидаги Фалабанинг 70 йиллиги» эсдалик юбилей медали, пул мукофоти, ИИБ Фахрийлар кенгашининг фахрий ёрлиқлари, кўкрак нишонлари ва қимматбаҳо эсдалик совғалари тантанали тарзда топширилди.



Шунингдек, тадбир доирасида хизмат вазифасини ўташ чоғида ҳалок бўлган ички ишлар ходимларининг оила аъзоларига моддий ёрдам кўрсатилди.

Г. ИНОГОМОВА,
катта лейтенант.
Тошкент вилояти.

Қашқадарё вилояти ИИБ раҳбарияти ва фахрийлар кенгаши аъзолари уруш қатнашчилари, соҳа фахрийлари ҳамда хизмат чоғида ҳалок бўлган ходимларнинг оилалари ҳолидан хабар олиш, моддий-маънавий жи-

ҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида уларнинг хонадонларига ташриф буюрди.

Тадбирларда уруш қатнашчиларига «Иккинчи жаҳон урушидаги Фалабанинг 70 йиллиги» эсдалик юбилей медали ва пул мукофотлари топширилиб, ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди. Ўз навбатида, фахрийлар ҳам юрти-мизда кекса авлод вакиллари кўрсатилмаётган гамхўрлик учун миннатдорлик изҳор этишди.

Ш. МУСЛИМОВ,
майор.

Қашқадарё вилояти.

Ўқув йиғини



(Давоми.)

Бошланиши 1-бетда).

Таъкидлаш лозимки, ўқув дастурида режалаштирилган машғулотлар Академия профессор-ўқитувчилари томонидан замонавий техника воситалари ҳамда ўқув-кўргазмаларни қуроллардан фойдаланган ҳолда, ИИБ соҳавий хизматларининг масъул раҳбар ва амалиёт ходимлари томонидан олиб борилмоқда.

— Қорақалпоғистон давлат университети юридик факультетининг бакалавриатура ва магистратура босқичларини тамомлаганман дейди, — Нукус шаҳар ИИБ ҲООБ профилактика инспектори, катта сержант Султонмурод Сейтимбетов. — Бу ерда ўқиб-ўрганишимиз, касб сирларини пухта ўзлаштиришимиз, кўнгилли ҳордиқ чиқаришимиз учун барча шароитлар мавжуд. Ҳукуратимиз томонидан кўрсатилмаётган эътибор ва гамхўрлик, яратилаётган имкониятлар ҳар бири-

мизни қувонтирмоқда. Мана шундай осойишта, обод ва жаннатмакон юрт тинчлигини асрашдек шарафли вазифани бажаришга ўз ҳиссамни қўшаётганим қалбимга гурур бағишлайди. Мана шундай шароитларни яратиб берган вазирлик ва Академия раҳбариятига алоҳида миннатдорлик билдирамиз.

Дарҳақиқат, ўқув тарбия жараёнига ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда тергов тизими ходимларининг хизмат вазифаларидан келиб чиққан ҳолда касбий тайёргарлик, маҳсус, ҳуқуқий, ахборот-таҳлилий фаолият, ижтимоий-сиёсий, хизмат-жанговар, жисмоний, психология, касб этикаси ҳамда тиббий тайёргарлик бўйича ўқув мавзулари киритилган.

— Ўқув дастуридан «Жиноят тушунчаси белгилари, таснифи», «Ички ишлар органлари ходимларида эл-юртга садоқат туйғуларини шакллантириш», «Маънавий таҳдид — инсонпарварлик ку-

БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАРНИ ОШИРИБ

шандаси» каби кўплаб долзарб мавзулар ўрин олган, — дейди Сурхондарё вилояти Денов тумани ИИБ тергов бўлинмаси терговчиси, катта сержант Фарҳод Шарипов. — Ўтилаётган бундай мавзуларни яхши ўзлаштириб олсак, келгуси фаолиятимизда асқотиши, шубҳасиз. Бу ерда вақт жуда тўғри тақсимланган бўлиб, мустақил тайёргарлик соатларида ҳамкасбларимиз билан ўзаро тажриба алмашяпмиз. Дастлабки тергов ҳаракатларини олиб бориш, жиноятларни тергов қилиш, воқеа жойини кўздан кечириш, ашёвий далилларни қидириб топил ва тўплаш бўйича зарур билим ҳамда кўникмаларимизни ошираяпмиз.

Баҳор фаслида киши ўзида қандайдир ҳорғинликни ҳис этиши табиий ҳол. Шунинг учун дармондорларга бой озиқ-овқатлардан кўпроқ истеъмол қилиш зарур. Бош ошпаз Каромат Ўрозматованинг айтишича, бу ерда кишига қувват бағишловчи таомлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўқув-дала полиго-ни ошхонасида бўлганимизда бунга ўзимиз ишонч ҳосил қилдик.

— Ички ишлар идоралари ходими жисмонан бақувват бўлиши лозим, — дейди ИИБ Академияси хизмат-жанговар ва жисмоний тайёргарлик цикли катта ўқитувчиси, под-

полковник Абдувоҳид Аташайхов. — Шунинг учун ҳам жисмоний ва жанговар тайёргарлик машғулотларига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Енгил атлетика, қўл жанги, тўсиқларни ошиб ўтиш, совуқ қуроллардан ҳимояланиш, дам олиш кунлари эса оммавий спорт турлари бўйича машғулотлар ўтказаяпмиз. Тингловчилар кишини чиниқтирувчи бундай машғулотларни тезда ўзлаштириб олаётгани қувонарлидир. Ўз касбини ҳар томонлама мукамал эгаллаган ходимгина хизмат фаолиятида қоқилмай, юксак марраларни забт этиши мумкинлигини улар юракдан ҳис этишмоқда.

Тингловчиларнинг билим ва дунёқарашини ошириш, маънавиятини юксалтириш раҳбариятнинг доимий диққат марказида. Маскандаги Ахборот-ресурс марказида

кундалик нашрлар, юридик ҳамда ижтимоий-гуманитар адабиётлар, Академия профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган соҳавий хизматларга тааллуқли методик ўқув қўлланмалар ўрин олган.

Тингловчиларнинг дам олишлари мазмунли ва мароқли ўтишини таъминлаш мақсадида таниқли санъаткорлар иштирокида концертлар, спектакль томошалари, шунингдек, ИИБда узоқ йиллар хизмат қилган фахрийлар билан учрашувлар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилган. Зеро, бундай кўнгилочар томошалар, учрашув ва давра суҳбатлари инсонга хушқайфият бағишлаб, билим ҳамда дунёқарашини бойитишга хизмат қилади.

Шерзод АБДУСАМДОВ.

Абу КЕНЖАЕВ
олган суратлар.



Сулола

Мамасолиевлар сулоласи вакиллари Андижон вилоятида жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши курашишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини кўшиб келишяпти. Сулола бошловчиси Омонбой ака 1945 йил 9 майда – фашизм устидан галаба қозонилган тарихий кунда дунёга келди.

У серфарзанд оилада вояга етди. Отаси Мамасоли ака бир умр ер билан тиллашди – деҳқончилик қилди. Онаси Хосият опа эса уй бекаси сифатида болалар тарбияси билан машғул бўлди.

Омонбой педагогика институтини битиргач, қишлоқ мактабида муаллимлик қилди. Муддатли ҳарбий хизматни ўташ даврида эса офицерлар тайёрлаш бўйича қисқа муддатли курсларни битириб, лейтенант унвонида захирага бўшатилади.

1968 йилда лавҳамиз қахрамони қалб амрига кулоқ тутиб, ички ишлар идоралари хизматига кирди. Дастлаб Андижон вилояти ИИБ ШТБХ инспектори, катта инспектори лавозимларида фаолият кўрсатди. Хизматдан ажралмаган ҳолда ИИБ Тошкент олий мактабининг ҳам битирди. Шундан сўнг тажрибали офицерни вилоят ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлими бошлиғи этиб тайинлашди. То 1994 йилда полковник унвонида нафақага чиққунча турли раҳбарлик лавозимларида ишлади.

Омонбой ака турмуш ўртоғи Зиннатхон опа билан 50 йил умргузаронлик қилиб, беш фарзандни вояга етказди. Уларнинг барчаси олий маълумотли. Катта ўғиллари Улуғбек Андижон қишлоқ хўжалиги институтини битириб, ҳаётини ўзи танлаган соҳага бағишлади. Исломбек бўлса ота изидан борди. Профилактика инспектори, Қўрғонтепа тумани ИИБ тизимда хизмат қила бошлади. Ҳозирда Андижон шаҳар ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлими отряд командири кўрсатади. Унвони майор. Дилфузахон опаси сингари муаллима. У ўқувчиларга ўзбек тили ва адабиётдан сабоқ беради.

Нафақага чиққанидан кейин Омонбой Мамасолиев бекор ўтира олмади. Билагида кучи, юрагида ғайрати бўлган давлат чет тиллар педагогика институтини тугатиб, ҳозирда умумтаълим мактабларидан бирида ўқувчиларга дарс бераёпти. Илёмбек ҳам шу олий билим даргоҳини битирди. Лекин кейинчалик ота касбига бўлган кизиқиши устун келди. Шу боис 1999 йилдан ички ишлар идоралари тизимида хизмат қила бошлади. Ҳозирда Андижон шаҳар ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлими отряд командири кўрсатади. Унвони майор. Дилфузахон опаси сингари муаллима. У ўқувчиларга ўзбек тили ва адабиётдан сабоқ беради.

Ферузахон эса она изидан кетди. У Андижон шаҳар ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлими отряд командири кўрсатади. Унвони майор. Дилфузахон опаси сингари муаллима. У ўқувчиларга ўзбек тили ва адабиётдан сабоқ беради.

УЧ АВЛОД ВАКИЛЛАРИ



жон давлат чет тиллар педагогика институтини тугатиб, ҳозирда умумтаълим мактабларидан бирида ўқувчиларга дарс бераёпти. Илёмбек ҳам шу олий билим даргоҳини битирди. Лекин кейинчалик ота касбига бўлган кизиқиши устун келди. Шу боис 1999 йилдан ички ишлар идоралари тизимида хизмат қила бошлади. Ҳозирда Андижон шаҳар ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлими отряд командири кўрсатади. Унвони майор. Дилфузахон опаси сингари муаллима. У ўқувчиларга ўзбек тили ва адабиётдан сабоқ беради.

Нафақага чиққанидан кейин Омонбой Мамасолиев бекор ўтира олмади. Билагида кучи, юрагида ғайрати бўлган давлат чет тиллар педагогика институтини тугатиб, ҳозирда умумтаълим мактабларидан бирида ўқувчиларга дарс бераёпти. Илёмбек ҳам шу олий билим даргоҳини битирди. Лекин кейинчалик ота касбига бўлган кизиқиши устун келди. Шу боис 1999 йилдан ички ишлар идоралари тизимида хизмат қила бошлади. Ҳозирда Андижон шаҳар ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлими отряд командири кўрсатади. Унвони майор. Дилфузахон опаси сингари муаллима. У ўқувчиларга ўзбек тили ва адабиётдан сабоқ беради.

Нафақага чиққанидан кейин Омонбой Мамасолиев бекор ўтира олмади. Билагида кучи, юрагида ғайрати бўлган давлат чет тиллар педагогика институтини тугатиб, ҳозирда умумтаълим мактабларидан бирида ўқувчиларга дарс бераёпти. Илёмбек ҳам шу олий билим даргоҳини битирди. Лекин кейинчалик ота касбига бўлган кизиқиши устун келди. Шу боис 1999 йилдан ички ишлар идоралари тизимида хизмат қила бошлади. Ҳозирда Андижон шаҳар ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлими отряд командири кўрсатади. Унвони майор. Дилфузахон опаси сингари муаллима. У ўқувчиларга ўзбек тили ва адабиётдан сабоқ беради.

ганидан кейин қўл қовуштириб ўтиришни ўзига эп билмади. «Бекордан худо безор» деганларидек, Жалолқудук туманидан ер олиб, «Омонлик» фермер хўжалиги ташкил этди. Ўн йил давомида ана шу хўжаликка раҳбарлик қилиб, пахта ва галладан мўл ҳосил етиштириб, эл-юрт фаровонлигига муносиб ҳисса қўшди.

Сўнги йилларда эса набиралар тарбияси билан шуғулланаяпти. «Ўригидан данаги ширин» деб тўғри айтишар экан. Ўн бир нафар набиранинг бири биридан ширин. Уларнинг орасида бобосининг ишини давом эттираётганлари ҳам бор. Илҳомжон Жалолқудук тумани ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлимида, Баҳодиржон эса Андижон вилояти ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бошқармасида милиционер вазифасида хизмат қилади.

Узоқ йиллик фаолияти давомида Омонбой ака кўплаб шогирдлар тайёрлади. Ҳозир ҳам тез-тез вилоят ИИБ бўлинмаларида меҳмон бўлиб, ёш ходимларга ўзининг бой амалий тажрибасидан сўзлаб беради. Уларни ўз бурчини сидқидилдан бажаришга давват этади.

К. БОРИСОВ.
Андижон вилояти.

Суратда: истеъфодаги полковник Омонбой Мамасолиев ўғли Илёмбек ҳамда набиралари Баҳодиржон ва Илҳомжон билан.

Муаллиф олган сурат.

Кўрик-танлов

НАВБАТ – РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИГА

Хоразм вилояти ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бошқармасида «Энг яхши кўриқлаш бўлими милиционери», «Энг яхши кўриқлаш бўлими аёл ходимаси», «Энг яхши кўриқлаш бўлими взвод командири», «Энг яхши кўриқлаш бўлими отряд командирининг ўринбосари» номинациялари бўйича республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Ходимларнинг билим савияси ҳамда касбий маҳоратини ошириш мақсадида ўтказилган ушбу тадбирда вилоят ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бошқармаси ҳамда қуйи бўғинлари ходимлари иштирок этишди. Дастлаб ходимлар турниқда тортилиш, 100 ва 3000 метр масофага югуриш, «Макаров» тўппончасини тўлиқ қисмларга ажратиш ва йиғиш бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди. Сўнгра улар хизмат тайёргарлиги, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий билимлари бўйича тест синовлари топширишди. Ҳакамлар ҳайъати ҳар бир ходимнинг иштирокини синчковлик билан кузатиб, ҳолисона баҳолаб борди. Кўрик-танлов якунига кўра,



Урганч тумани ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлими милиционери, сафдор Азамат Матёқубов «Энг яхши кўриқлаш бўлими милиционери», кўриқлаш бошқармаси молия-иқтисод бўлими ходимаси, сержант Ширин Ибрагимова «Энг яхши кўриқлаш бўлими аёл ходимаси», кўриқлаш бошқармаси алоҳида милиция отряди 2-взвод командири, кичик сержант Жасурбек Курбанов «Энг яхши кўриқлаш бўлими взвод командири», Ҳазорасп тумани ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлими отряд командирининг ўринбосари, капитан Пётр Барков «Энг яхши кўриқлаш бўлими отряд командирининг ўринбосари» номинациялари бўйича ғолиб бўлди. Ғолиблар жорий йилнинг май ойида Бухоро шаҳрида бўлиб ўтайдиган кўрик-танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритишди.

Совриндорлар вилоят ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бошқармасининг Фахрий ёрликлари ҳамда пул мукофотлари билан тақдирланди.

Худойберган ЖАББОРОВ.
Хоразм вилояти.

Суратларда: кўрик-танловдан лавҳалар. Саъдулла АБДУЛЛАЕВ олган суратлар.

Касбий тайёргарлик

Ички ишлар идоралари ходими ҳар жиҳатдан чиниққан бўлиши зарур. Бунинг учун жойларда барча шарт-шароитлар яратилган. Спорт билан шуғулланиш, жисмоний ва жанговар тайёргарликни ошириш мақсадида белгиланган режалар асосида машғулотлар ўтилади. Шу билан бирга, уларни вақти-вақти билан синовдан ўтказиб туриш ҳам лозим. Чунки синов нафақат ходимларнинг билими, маҳоратини имтиҳон қилиш, балки уларни ўзининг жисмоний, жанговар ва касб маҳоратини ошириш йўлида изланаётгани, ҳаракат қилаётганини амалда синаб кўриш имкониятини беради.

ҲАР ТОМОНЛАМА ЧИНИҚИШ ЗАРУР

Ана шу мақсадда Сирдарё вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ махсус муассасалар фаолиятини ташкил этиш гуруҳи томонидан туман, шаҳар ИИБларидаги вақтинча сақлаш ҳибсхоналари ва конвой хизматлари ходимлари навбатдаги синовдан ўтказилди. Унда сафдор, сержант ва офи-

церлар таркибини жисмоний, хизмат ва жанговар тайёргарликлари ҳамда билим савиялари қай даражада эканлигини намойиш этишди.

Синовнинг якуний натижаларига кўра, вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ конвой милиция бўлинмаси милиционерлари, катта сержант Собир Курбанов, кичик сержантлар Абдурашид Нуринов, Комилжон Исмомилжонов, сафдорлар Асқар Саитдинов, Азизжон Мама-тазимов, Фарходжон Ўринбоев сингари ходимларнинг билим ва маҳоратлари юқори баҳоланди.

Абдумутал НОРБОЕВ,
катта лейтенант.



ТЕЗКОРЛИК ВА ҲУШЁРЛИК БИЛАН

Кечаси алламаҳалда Асака тумани Ўзбекистон қишлоғилик Дилором Холматованинг уйига юзига ниқоб таққан икки киши бостириб кирди. Бу пайтда хонадонда Дилором ва кизидан ташқари унинг дугонаси ҳам бор эди. Босқинчилар аёлга пичок ўқталиб, пул талаб қилишди. Қизларнинг ҳаёти ва соғлиғини ўйлаб Дилором бор пулини – икки ярим миллион сўмга яқин маблағни чақирилмаган «меҳмонлар»га бериб юборди.

Ушбу жиноятни фош этишда туман ИИБ тезкор вакиллари ташқари Андижон вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ патруль-пост батальони 4-отряди ходимлари милиционерлар, сафдорлар Муҳаммаджон Хусанов ва Азаматжон Асранов ҳам фаол иштирок этди. Мазкур босқинчиликни содир этганликда гумон қилиниб Асака шаҳрилик муқаддам судланган шахслар Э. Жамолитдин ва Х. Турғун қўлга олинди. Улар айбларига иқдор бўлиб, ушбу жиноятга уй бекасининг жияни ундаганлигини, у хонадонда кўп миқдорда пул

борлигини билишини айтишди. «Буюртмачи» ва «ижрочилар» суд томонидан қилмишларига яраша жавобгарликка тортилдилар.

Кечки пайт «Мумтоз» савдо маркази яқинида кимдир пусиб келиб, Мавжуда Абзалованинг бўйнидаги нархи икки миллион сўмликдан кимматроқ бўлган тилла занжирни юлиб қочди. Аммо талончи узоққа кета олмади. Уни вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ патруль-пост хизмати батальони 1-отряди ходимлари сержант Иқболжон Эшматов, сафдорлар Одилжон Қаримов ҳамда Файзулло



Дармонов қўлга олиб, Андижон шаҳар ИИБга келтиришди.

Ҳа, батальон ходимлари жамоат жойларида жиноятчиликка қарши курашувчиларнинг олдинги сафларида туришди. Ушбу соҳада хизмат қилиб, тажриба ортириб, кўзи пишганларнинг кейинчалик бошқа соҳавий хизматларда

ҳам фаолият кўрсатишлари, амал пиллапоясидан кўтарилишлари осон кечади. Чунки патруль-пост нарядида хизмат ўтаётганларида турли вазиятларга дуч келишади. Шундай пайтларда мустақил равишда қарор қабул қилишлари лозим бўлади.

– Ходимларимиз хизмат пайтида одам гав-

жум бўладиган жойларга алоҳида эътибор қаратишади. Автовокзаллар, бозорлар, қаҳвахоналар шулар жумласидандир, – дейди вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ патруль-пост батальони командирининг ўринбосари, майор Дилшодбек Хўжаев. – Улар муштлашаётганларни ажратишларига, бошқаларнинг оромини

бузиб, тўполон қилаётганларни тартибга чақиртиришларига, шубҳали шахсларни навбатчилик қисмига келтиришларига тўғри келади. Шунингдек, кўп қаватли уйларнинг ховлилари, йўлаклар, ертўлалари, чордоқларини кўздан кечиришади. Йўл-йўлакка аҳоли билан профилактик суҳбатлар ўтказишади. ППХ нарядлари бошқа соҳавий хизматлар вакиллари билан яқин ҳамкорликда иш олиб боришади.

Бугунги кунда шаҳарликлар ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларига ишонч билан қарашади. Ўз навбатида осойишталик посбонлари ҳам зиммаларидаги вазифаларни сидқидилдан бажаришга интилишади, ҳаммиша фуқароларга ёрдам беришга шай туришади.

Борис КЛЕЙМАН.
Андижон вилояти.

Суратда: вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ патруль-пост хизмати батальони 2-отряди милиционерлари, сафдорлар Бобиржон Тожибоев ва Ҳаётбек Акбаров.

Муаллиф олган сурат.

ИИБ Матбуот хизмати хабарлари

БУЗОҚНИНГ ЮГУРГАНИ СОМОНХОНАГАЧА...



Ангренлик А. Қутлимурод шаҳардаги бозордан қайтаётганида бир йигит куч ишлатиб, «Samsung» русумли уяли телефонни тортиб олиб, воқеа жойидан яширинади. Жабрланувчи зудлик билан ички ишлар идорасига хабар бергач, тизим ходимлари томонидан тезкор-

қидирув ва суриштирув ишлари амалга оширилди. Сабъ-ҳаракатлар натижасида мазкур талончиликни ангренлик Х. Сардор содир этгани аниқланди ва у шаҳар ИИБга келтирилди.

ҚАРИНДОШНИНГ ҚИЛМИШИ

Бухоро шаҳрида яшовчи Р. Омонулла ички ишлар идорасига мурожаат этиб, номаълум шахслар томонидан хонадондан олти миллион сўм пули ва музлатгичи ўғрилаб кетилганлигини маълум қилади. Кўрилган чоралар натижасида ушбу жиноятни жабрланувчининг қариндоши Р. Зарина таниши А. Мўмин билан биргаликда содир этгани ошкор бўлди. Энди оқибатсиз қариндош қонуний жазо олиши таянин.

ТИҒ КЎТАРГАН МАҲАЛЛАДОШ

Самарқанд вилояти Пайарик тумани «Бўри» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи И. Дамир ҳамқишлоғи Р. Эрмамат билан гап талашиб қолади. Даҳанаки жанг муштлашувга айланади. Шу пайт Дамир Эрмаматнинг қорнига тиғ санчади. Маҳалладошларнинг ўзаро муросага кела олмагани бир йигитнинг умрига зомин бўлди. Ҳозирда ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши кўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.



ҲАЗИЛГА ЙЎЙМОҚЧИ ЭДИ

Фарғона шаҳар Янги аср кўчасида истиқомат қилувчи С. Вадим маҳалласидан ўтиб кетаётган таниши Б. Андрейдан уяли телефонини бериб туришини сўрайди ва унинг кўзини шамғалат қилиб, қочиб кетади. Телефонидан айрилган жабрланувчи ички ишлар идораларига хабар беради. Қўлга тушган С. Вадим эса: «Ҳазиллашган эдим» дея баҳона кўрсатиб, қонуний жазодан қутулиб қолмоқчи бўлди.

Шерали АНВАРОВ,
майор.

Тўсатдан рўй берадиган офатлар ичида ёнғин айниқса, мудҳиш оқибатларга сабаб бўлади. Бироқ ёнғин ўз-ўзидан содир бўлмайди, албатта. Газ, электр асбобларидан нотўғри фойдаланиш, электр симларининг эскириб, фойдаланиш муддати ўтиб кетиши, очиқ оловдан, яъни ўчоқ, кўмир ёқиб иситиладиган печларни ишлатишда эътиборсизлик каби сабаблар ёнғин чиқиши кўп кузатилади. Шунинг учун ҳам ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари жойларда профилактик тадбирларни олиб бораётганларида фуқароларга кундалик турмушда фойдаланилаётган газ, электр асбоблари ва иситиш мосламаларини ишлатишда эҳтиёткор бўлишни бот-бот такрорлаб турадилар.

Таҳлилларда ёнғинларнинг келиб чиқишига болаларнинг шўхлиги, уларни назоратсиз қолдирилиши сабаб бўлаётгани ҳам қайд этилади. Йилнинг ўтган даври давомида республикамизда содир бўлган ёнғинларнинг бир қисми болалар иштирокида, уларнинг оловни ўйнаши, гугурт ёқиши, электр ва газ асбобларидан ўзбошимчалик билан ёки катталар назоратсиз фойдаланиши туфайли рўй берган.

Жорий йил бошида Тошкент вилояти Чиноз туманида яшовчи Ф. Иноғомовнинг хонадонидан рўй берган ёнғин айнан болаларнинг шўхлиги оқибатида содир

АТТАНГ ДЕБ ҚОЛМАЙЛИК

бўлди. Текширишлар натижасида болаларнинг уйда ёлғиз қолгани ва улардан бири печнинг оғзини очиб кўрганида иссиқдан қўли куйиб полга ташлаб юборгани, охир-оқибатда ёнаётган олов қақнаб гиламга тушгани ва алангага айлангани маълум бўлди. Бу пайтда хонадондаги катталар уйда бўлмаган. Ёнғин туфайли уйнинг томи, шифти ва бир қатор жиҳозлари ёниб кетган.

Яна пойтахт вилоятининг Янгийўл туманида яшовчи Ш. Хусанбоевнинг хонадонидан рўй берган ёнғинга ҳам болаларнинг шўхлиги сабаб қилиб кўрсатилган. Офат натижасида уйнинг томи, шифти ёниб, ёнғин қўшни хонадонга ҳам ўтган.

Гарчи бу кўнгилсизликларга болаларни айбдор қилиб кўрсатсақ-да, аслида биз, катталар асосий айбдор эканлигимизни унутмаслигимиз керак. Чунки, ўйинқароқ ёш болаларни кузатсангиз, улар ҳар нарсага қизиқади. Шундай экан, уларни нима учун назоратсиз қолдиришимиз керак?

Ёнғинларнинг бир қисми айнан болаларнинг шўхлиги ва уларнинг қаровсиз қолдирилгани оқибатида рўй берди, дея берилган маълумотларнинг айримларида янада аянчли ҳолатлар ҳам қайд этилади. Ўтган

йилда Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманида яшовчи Н. Калимбетовлар хонадонидан содир бўлган ёнғин болаларнинг қаровсиз қолдирилиши сабабли рўй берган. Уйда катталар назоратсиз бўлган етти ва беш ёшли икки нафар боланинг олов исканжасида қолиб, ҳаётдан кўз юмгани жуда ачинарли ҳолатдир.

Бу кўнгилсизликлар, оилага олиб келган қайғуларнинг катталар эътиборсизлиги эканлигини изоҳлашнинг ҳожати йўқ, албатта. Буюк бобокалонимиз Абу Али ибн Сино боланинг туғилган пайтиданок тарбиялаш лозим, дея насиҳат қилганлар. Бола тарбиясини шунчалар эрта бошланиши лозим экан, уларнинг ёнғин хавфсизлиги қоидаларига ҳам ўргатишни эрта бошлашимиз зарур, деган хулосага келамиз. Зеро, болалар хонадонларда ишлатиладиган газ ва электр асбоблари, жиҳозларидан ўзбошимчилик билан фойдаланмасликлари, вояга етгандан эса, фойдаланиш қоидаларини яхши билишлари, ёнғин хавфсизлигининг бирламчи, оддий қоидаларини пухта билиб олишлари лозим. Ҳозирги техника асрида бу жуда зарур ва ҳар жиҳатдан фойдали эканлигини унутмаслигимиз керак.

Абдумутал АБАЗОВ,
майор.

ОСОЙИШТАЛИК ЙЎЛИДА

МУНТАЗАМ НАЗОРАТ ЗАРУР

Гулистон шаҳридаги «Улуғбод» маҳалла фуқаролар йиғинидаги навбатдаги йиғилиш маҳалладаги ўқувчиларнинг дарсларга қатнашиши масаласига бағишланди. Худуддаги иккита мактаб педагогик жамоаси билан яхши алоқа ўрнатилиб, ўғил-қизлар тарбиясида ҳамкорлик қилинапти.

Маҳаллада яшовчи Диёр исмли бола уйдан мактабга бораман, деб чиқиб кетиб, шаҳарда ўйнаб юрган, мактабга борган куни эса бирикки дарсга қатнашиб, қочиб кетган. Шаҳар ИИБ ХООБ вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси гуруҳи инспектори, лейтенант Мирзабек Бўриев боланинг бу қилиқларидан воқиф бўлиб, тартибга чақирди, кейин ота-онаси билан учрашди, аммо ўзгариш бўлмади. Унинг таклифи билан мактабдан ўқитувчилар, боланинг ота-онаси маҳалла фуқаролар йиғинига чақирилиб, муҳокама қилинадиган бўлди.

– Диёрбекнинг ота-онаси биз томондан кўриладиган чорани эшитган, шекилли, тезда олдимга келишди, – деди «Улуғбод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси П. Рузанова. – Кўпчилик олдида изза қилманг, бундан кейин

ўғлимизнинг ўқишини назоратга оламиз, деб сўз беришди. Бу ҳам бўлса лейтенант Мирзабек Бўриевнинг саъй-ҳаракати натижаси. Катталардан кўра болалар ва ўсмирлар билан ишлаш анча оғир, лекин бу йигит эгълапти. Утган йили ва жорий йилнинг шу кунигача маҳалламизда болалар иштирокида ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик қайд этилмади. Олдимизга кўйилган режамизнинг ҳар бир талаби бажарилишига эришяпмиз. Энг муҳими ва бизни қувонтирадигани ички ишлар идоралари ходимлари ҳам биз билан баббаравар ҳаракат қилишяпти.

– Устозларим менга хизмат сирларини ўргатишяпти, деб бу болани мунтазам назоратда ушлаш лозимлигини ўқитиришган, – дейди лейтенант Мирзабек Бўриев. – Чунки ўзимиз ҳам бола бўлганмиз. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, оилада озгина назорат

сусайса, ўзбошимчалик қилиб кўярдик. Шунинг учун ҳам ўзимиз хизмат қилаётган худуддаги ота-оналарга бундан кўп такрорлайман. Уларнинг айримлари бундан тўғри тушунмай, ўғли ёки қизини тамоман бир қолипга солишга ҳаракат қилади. Баъзилар эса бола эркин ўсиши керак, дея энсасини қотиради. Албатта, фарзандларни эркин ўстириш керак. Уларга бирор касбни ёки ҳунарни зўрлаб ўргатиб бўлмайди. Ўзи севган, ёқтирган спорт тури билан шуғуллансин. Болага тўғри йўл кўрсатадиган ота-онаси. Лекин унинг юриш-туриши, ким билан дўст бўлаётгани, дарсларни ўзлаштириши, овқатланиши, дам олиши назоратда бўлиши шарт.

Улуғбод маҳалласида бўлсангиз тунда ёки кундузи бемақсад юрган болаларни деярли учратмайсиз. Бошқа маҳаллалардан, шаҳарга яқин кишлоқлардан келиб қолган

болалар дарров эътиборга олинади. Агар тунда маҳалла болаларидан бири кўчада санғиб юргани аниқланса, биринчи галда унинг ота-онасига нисбатан чора кўрилади.

Мактаб, коллежларда профилактик ишлар белгиланган режа асосида олиб борилаёпти. Ўқувчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, турли ҳуқуқбузарлик, жиноят кўчасига кириб қолмасликларни, айниқса, диний-экстремистик ғояларга учмасликларни учун мунтазам равишда ана шу мавзуларда учрашув ва суҳбатлар уюштирилмоқда. Тадбирларнинг таъсирчанлигини ошириш мақсадида ўқувчиларнинг ота-оналари ҳам таклиф этилиб, видеоназоратлар намойиш этиш йўлга қўйилган.

– Ўқув йили бошланган дастлабки ҳафтада мактаб ва коллежларда ота-оналар йиғилиши ўтказиб, давомат масаласида келишиб ол-

ганмиз, – дея қўшимча қилди лейтенант М. Бўриев. – Ўқувчи дарс қолдиргани учун биринчи галда унинг ота-онаси жавобгар эканлиги тушунтирилиб, ҳар бирдан фарзандини бесабаб дарс қолдирмаслиги ҳақида тилхат олинди. Машғулотлар тугагач, боланинг маҳалладаги, таълим муассасасидаги бирор тўғарақда иштирок этиши ҳам таъминланади. Маҳалла фаоллари, мактаб педагогик жамоаси ва ички ишлар идоралари ходимлари томонидан доимий назорат қилиб борилади. Мақсад, ўғил-қизларимиз давлатимиз томонидан яратилган шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб, пухта билим олиб, касб-ҳунар эгаллаб, келажакда ҳар жиҳатдан етук инсонлар бўлишсин ва бизнинг эзгу ишларимизни давом эттиришсин.

Садриддин ШАМСИДДИНОВ.

Сирдарё вилояти.



Мустақиллик йилларида юртимизда миллий автомагистраль таркибига кирувчи йўллар замонавий талаб даражасида қайта қурилди. Шунга ҳамроҳанг тарзда йўлларда автотранспорт воситалари оқимини назорат қилаётган Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматида ҳам эътиборга молик ўзгаришлар амалга оширилди.

Гап айнан халқаро автомагистраль йўлларда хизмат кўрсатаётган йўл-патруль хизматларининг блок постлари ҳақида кетаётганини фаҳмлагандирсиз. Негаки, бир пайтлар йўл-патруль хизмати инспекторлари ҳатто оддий қулайликларга ҳам эга бўлмаган блок постларида қишда қор-ёмғирда, ёзда офтоб тигида туриб минглаб автома-

ҚУЛАЙ ШАРОИТ САМАРАСИ



шиналарни назоратдан ўтказишарди. Ҳозир бунинг тамоман аксини кўрасиз. Бугун ИПХ масканларида инспекторлар ҳар жиҳатдан қулай шароитларда хизмат олиб боришяпти.

Бухоро вилояти ИИБ ЙХХБга қарашли «Сармижон» ИПХ маскани «Бухоро – Тошкент» халқаро автомагистралда жойлашган. Бу ердан бир кеча-кундузда икки ярим мингдан уч минггача транспорт воситаси ўтади. ИПХ масканида ходимлар учун барча шароитлар яратилган. Шу сабабли ҳам улар ҳар бир автоуловни текширувдан ўтказиб, сергаклик ва зийраклик билан хизмат қилишмоқда.

Ана шундай ходимлардан бири – вилоят ИИБ ЙХХБ 3-сафарбарлик гуруҳи ИПХ инспектори, кичик сержант Шермат Ҳамидовни суҳбатга тортдик.

– Йўл ҳаракати қоидаларига ҳар доим, ҳамма жойда риоя этиш шарт,

– дейди у. – Афсуски, айрим ҳайдовчилар бундан ёддан чиқаришади. Баъзан техник носоз машинада йўловчилар билан бирга узоқ йўлга отланишади. Ҳатто баъзи ҳайдовчилар спиртли ичимлик ичиб олиб, «Нима, шаҳар ўртасида эмасмиз-ку, катта йўлда кетаверамиз-да», деб ўйлайдиганлар ҳам учраб туради. Йўл ҳаракати қоидаларини бузган ана шундай ҳайдовчиларга нисбатан ўз вақтида тегишли чоралар кўриляпти.

Йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, шу билан бирга, тинчлик ва осойишталикни сақлашда ИПХ ходимларининг ўрни катта, албатта. Бундан яхши билган «Сармижон» ИПХ масканида хизмат қилаётган инспекторлар ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришяпти. Бунинг натижасида қоидабузарликлар, турли йўл-транспорт ҳодисалари камайиб бораётгани кувонарлидир.

Абу КЕНЖАЕВ.

Бухоро вилояти.

Суратларда: ИПХ инспектори, кичик сержант Шермат Ҳамидов ва кинолог, сафдор Рўзимурод Ражабов «Бони» лақабли хизмат ити билан автомашиналарни назоратдан ўтказмоқда.

Муаллиф олган суратлар.

Маърифат ва сиёсий ўқиш

ИНТЕРНЕТ МАЪНАВИЯТИ

Мислсиз илмий кашфиётлар, техникавий имкониятлар, технологиялар, ахборот олиш ва тарқатишнинг глобаллашуви, ахборотнинг бутун ер юзини эгаллаб олиши тезкорлик билан такомиллашмоқда. Айниқса, интернет тармоғи орқали инсониятга ахборотнинг маънавий таъсир ўтказиш имкониятлари кўламини кенгайтириш бормоқда.



Ўзбекистон халқаро глобал интернет тармоғига 1996 йилда уланди. Мамлакатимизда 2008 йилга келиб интернетдан фойдаланувчилар сони бир миллион 904 минг кишидан ортиқни, 2011 йилга келиб 5 миллиондан ортиқ абонентни ташкил қилди. 2015 йил 16 январь ҳолатига кўра уларнинг сони 10 миллион 200 минг кишидан ошди ёки аҳолининг учдан бир қисmini ташкил этади.

Ахборот соҳасидаги глобаллашув ўзaro мулоқот, илм-фан ва маънавий бойликларни ўзлаштиришда кенг имкониятлар яратадиган жараён. Бироқ интернетнинг салбий жиҳатларини ҳам ёдда тутишимиз лозим. Муайян ҳудуд ёки мамлакатда вужудга келаётган турли хил ғоялар тезлик билан дунёга тарқалмоқда. Бунинг натижасида инсоният маълум бир мамлакатлар ва сиёсий кучларнинг манфаатига хизмат қиладиган, турли манбалардан тарқаладиган маънавий-мафкуравий марказларнинг босимини сезиб яшамоқда.

Глобаллашув шароитида мустақил фикрига, иймон-этикодига, ирода ва дунёқарашига эга бўлмаган одам маънавий-мафкуравий таҳдидларга бардош бериши мушкул. Шу сабабли инсонда маънавий иммунитетни кучайтириш муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда интернет истеъмолчиларнинг кўпчилиги ёшлар эканлиги, уларнинг онгу шуурини бузгунчи мазмундаги ғоялар билан чалғитишга қаратилган ижтимоий тармоқлар, форумлар, сайт ва порталларнинг кўплиги жиддий маънавий таҳдиддир.

Аҳолини, аввало, ёшларни интернетнинг салбий таъсирларидан ҳимоялаш мақсадида жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлигини қайд этиш зарур. Масалан, «Кибер жиноятлар тўғрисида»ги Конвенция, «Вояга етмаганлар учун хавфсиз Интернет ва онлайн ресурсларни жорий қилиш тўғрисида»ги Европа Иттифоқи Парламенти Ассамблеясининг тавсиялари, «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги БМТ Конвенцияси шулар жумласидандир. Буюк Британияда «Ўзини тутиш кодекси» ва «Хавфсиз тармоқ» мустақил жамғармаси зарарли, ноқонуний ахборотлар оқимини назорат қиладди. Германияда «Ёшларни ҳимоялаш тўғрисида»ги, Литвада «Вояга етмаганларни оммавий ахборотнинг салбий таъсиридан ҳимоялаш тўғрисида»ги, Россияда «Болаларни соғлиги ва ривожланишига зиён етказувчи ахборотдан ҳимоялаш тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинганлигини айтиш зарур. Уларда зўравонлик, жиноят, ирқчилик, ахлоқсизликни акс эттирувчи маълумотларни ижтимоий сайтларда тарқатиш ва реклама қилиш ман этилган. Умуман, Европа Иттифоқи томонидан бу борада олти қонун ҳужжати қабул қилинган ва «Хавфсиз интернет» дастури ишлаб чиқилган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Фарб мамлакатларида ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатувчи маълумотларнинг интернет орқали тарқатилишига қарши бир неча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд. Уларнинг номланиши ҳар хил бўлса-да, мақсади бир хил, яъни маънавий ва мафкуравий таҳдидларнинг олдини олишга қаратилган. Ҳозирги даврда дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатларида «Интернет ҳимоячилари» гуруҳи ташкил этилганлиги ва уларнинг фаолиятига 1,5 миллиард АҚШ долларидан ортиқ маблағ сарфланаётганлиги бу масаланинг нақадар долзарблигини кўрсатади. Бу эса дунё миқёсида «маъқул бўлмаган» ахборот олишни чеклайди.

Бугунги кунда Ўзбекистон аҳолисининг ва аввало ёшларнинг ахборот ва маънавий хавфсизлигини атрофлича ўрганиш, мавжуд муаммоларга замонага мос ҳолда ёндашиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада юртимизда тизимли равишда ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар амалга оширилаётганини айтиб ўтиш жоиз. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, мамлакатимизнинг турли тузилмалари томонидан ахборотларни уза-тиш сайтларида таълим ва ёшлар бўйича яратилаётган ахборот ресурслари ягона «ZioNET» миллий таълим тармоғига бирлаштирилди. Бу тармоқнинг ташкил этилиши интернетдаги ахборот таҳдидларига қарши туришда муҳим аҳамият касб этади.

Тармоқнинг асосий вазифалари қуйидагилардир:

– ёшлар учун миллий ахборот ресурсларини шакллантириш ва ривожлантириш;

– ёшларнинг маънавий ва ақлий томондан камол топишига кўмаклашадиган ахборот кўлаמידан кенг фойдаланишларини таъминлаш;

– соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва жисмоний тарбия ҳамда спорт турларини оммалаштириш;

– ўқувчилар ва талаба ёшларга масофадан билим олиш методларини ҳамда ахборот-коммуникация хизматларини таълим тизимига жорий этишга кўмаклашиш.

Ҳозирда юртимиздаги барча олий ўқув юртлири, уларнинг ҳудудлардаги филиаллари ва билим даргоҳлари «ZioNET» миллий таълим тармоғи ҳамда юқори тезлик билан фаолият юритадиган интернетга уланганлиги бу борада амалга оширилаётган ижобий ишлардан бири ҳисобланади.

Бизнингча, маънавий етук ёшлар интернетдан олинаётган ахборотларга танқидий ёндашиши, ғаразли маълумотларни идрок эти олиши, мафкуравий иммунитетни ҳосил қилиши ғоят муҳимдир. Бунинг учун ҳар бир ёшдан муайян билим ва кўникмага, диний, дунёвий илмларнинг мазмун-моҳиятини тушуна билиш қобилиятига эга бўлиш, жаҳонда юз бераётган сиёсий, маънавий ҳамда иқтисодий жараёнларга лоқайд, бефарқ бўлмаслик талаб этилади. Зеро, Президентимиз Ислам Каримов бежиз ўзининг «Юксак маънавият – энгилмас куч» асарига «...ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз зарур» деб таъкидламаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, республикамиз миллий қонуночилигида ёшларни носоғлом ахборотлардан ҳимоялаш механизмлари яратилган. Жумладан, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, «Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунларда ёшлар орасида одоб-ахлоқни бузувчи, яъни маънавиятимиз илдизларини қирқувчи порнография, шафқатсизлик ва зўравонликни намойиш этувчи, болаларга зарарли таъсир кўрсатувчи ҳамда ҳуқуқбузарликлар содир этилишига ташвиқот қилишга қаратилган ҳар қандай фаолият ман этилиши белгилаб қўйилган. Шундай бўлса-да, ахборот-коммуникация технологиялари шиддат билан ривожланиб бораётган бугунги тезкор даврда интернет маънавиятига доир қонуночилигимизни такомиллаштиришни замоннинг ўзи талаб этмоқда.

Ҳинд халқининг улуғ фарзанди Махатма Ганди ўз маънавияти, ғоялари ва илгор қарашлари билан XX асрнинг буюк шахсларидан бирига айланган. Унга халқ «Махатма» – «Буюк қалб» деб ном берган. Шу ўринда унинг: «Мен уйимнинг дарвоза ва эшикларини маҳкам беркитиб ўтира олмайман. Чунки унга тоза ҳаво кириб туриши керак. Шунинг баробарида эшик ва деразаларимдан киратган ҳаво довул бўлиб, хонадонимни ағдар-

тўнтар қилиб, ўзимни йиқитиб ташлашни ҳам хоҳламайман», деган фикрларини эслаш жоиздир. Асрлар давомида шаклланган маънавий қадрият, урф-одат ва тарбия методларига нисбатан ахборот таҳдидларининг авж олаётгани бу фикрнинг аҳамияти ҳамда мазмун-моҳиятини оширади.

Ҳозирда интернет орқали турли йўналишларда олиб борилаётган маънавий таҳдидларнинг мақсад-муддаоси инсон қалби ва онгини эгаллашга қаратилган. Шундай экан, юксак салоҳиятли етук мутахассисларни тарбиялаш билан бирга, уларда ахборотдан фойдаланиш маънавиятини шакллантириш муҳимдир. Интернет маънавиятини шакллантириш жамият тараққиёти билан бевосита боғлиқ.

Ҳозирги даврда жамият ва миллатнинг энг муҳим имкониятларидан бири инсониятнинг ақлий салоҳияти, билим ва кўникмалари ҳисобланади. Келажакда ёшларни нафақат янги технологияга ўқитиш ва улардан фойдаланиш қобилиятини шакллантириш, балки уларни ана шундай янги технологияларни яратиш ва такомиллаштиришда фаол иштирокини таъминлаш муҳим вазифалардан биридир. Бу ёшлар олдида чўқур билим ва касб сирларини эгаллашни, шунингдек, кенг кўламли ахборотни ўзлаштириш ва ундан самарали фойдаланиш вазифасини кўяди.

Юртимизда миллий ахборотлаштириш тизимини шакллантириш, аҳолининг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида амалий ишлар қилинмоқда. Чунончи, Ўзбекистонда интернетдан фойдаланувчилар дунёда бўлаётган воқеа ва ҳодисалар тўғрисида маълумот олиш мақсадида 1995 йилнинг 29 апрелида рўйхатдан ўтказилган глобал тармоқнинг «UZ» домен ҳудудига мурожаат қилмоқдалар. Ҳозирда миллий домен тизимида рўйхатдан ўтган сайтлар сони 17 мингдан ортиқни ташкил этмоқда. Бу эса мамлакатимиз аҳолиси, шу жумладан ёш авлод учун ҳолисона ва тезкор маълумотни олиш учун зарур шароитлар яратмоқда.

Ёшларимизга интернет глобал тармоқидан фойдаланиш борасида кенг имкониятлар яратилганлигини айтиб ўтиш билан бирга, катта ҳажмдаги ахборотни қабул қилиш ва уни қайта ишлаш ҳамда фойдаланишнинг ҳозирги замон воситалари ва методларини эгаллашга етарли даражада маънавий жиҳатдан тайёр эмаслиги аён бўлмоқда. Бу борада руҳшунослар тадқиқотларига кўра, аҳолининг 15-25 фоизинга ахборотни танқидий ўзлаштиришга қодирлиги, 75 фоизи эса ахборотни тўғридан-тўғри қабул қилиши аниқланган. Бу эса интернет тармоғи орқали берилаётган ахборотни инсон онгига маънавий-руҳий таъсир ўтказиш учун кенг имкониятларга эгаллигидан далолатдир.

Тўғри, интернет инсониятнинг улкан ютуғи бўлиб, бугунги ҳаётимизда катта имкониятлар яратмоқда. Ҳар қандай кашфиёт каби интернет ҳам инсон ақлий салоҳиятининг ҳосиласидир. У орқали маълумотларни тезликда олиш, масофадан туриб таълим олиш, хорижлик инсонлар билан мулоқотга киришиш, элек-

трон адабиётлардан фойдаланиш мумкин. Амма интернет сайтларида жойлаштирилган ҳар қандай маълумотни ҳам ишончли ёки тўғри деб бўлмайди. Шунингдек, ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатадиган, ахлоқсизликни тарғиб қилувчи ҳамда миллий маданиятнинг эҳтиётсизликка қўйилган сайтларнинг мавжудлиги ва уларга ёшларнинг мурожаат қилаётгани жиддий эътибор талаб қиладиган масалалардан саналади.

Интернет чексиз ахборотларни ўзида сақловчи база саналади. Унга аслида муайян мақсад билан қирган одам беихтиёр бошқа нарсаларга чалғиб кетиб, турли зарарли ахборотлар асрига айланиб қолиши мумкин. Баъзи иродаси заиф, ўзининг мустақил фикрига эга бўлмаган ёшларни ёт ғоялар, маъзи пуч мақсадлар сари эргаштиришга йўналтирилган портал ва сайтларнинг мавжудлиги бизни ҳар соғина, ҳар вақт ҳушёр бўлишга мажбур қилмоқда. Кўпчиликни ўйлантирадиган, мулоҳаза юритишга чорлайдиган ана шундай мавзулардаги тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ахборот ва коммуникация технологияларининг ривожланиши ижобий ҳолат, бироқ бу тараққиётнинг салбий томонлари ҳам кам эмас. Ҳали ҳаётнинг оқу қорасини яхши билмаган, тажрибаси кам бўлган ёшларимиз учун интернет маънавий таҳдидларнинг манбасига айланиб улгурди. Турли танишув саҳифалари ва ижтимоий тармоқларда ўзбек халқининг маданияти, маънавияти ва маърифати таҳдид соладиган беҳаё ва порнографик мазмундаги материалларнинг кўпайиши натижасида айрим ёшларимиз оиланинг муқаддас даргоҳ эканлигини унутишмоқда.

«Оммавий маданият» тарғиботчилари интернетнинг имкониятларидан фойдаланиб, ўзларининг ғайриинсоний мақсадларига эришмоқда. Муқаддас динимизни ниқоб қилиб, ўзларининг ёмон ният ва мақсадларига эришишда интернетдан фойдаланаётган ноқонуний оқимлар сонининг кўпайиб бориши пировардида баъзи ёшларимиз билиб-билмай уларга қўшилиб қолмоқда. Бундай маънавий таҳдидларни яна кўплаб келтиришимиз мумкин.

Хуллас, ҳозирги даврда барча зиёли инсонларнинг асосий вазифаларидан бири ёшларимизни интернетнинг салбий таъсирларидан муҳофаза қилиш ҳисобланади. Бунинг учун, энг аввало, ота-оналар фарзанд тарбиясининг қандай аҳамиятга эга эканлигини унутмасликларни лозим. Бундан ташқари, ёшлар таълим олаётган ўрта мактаблар, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ҳамда олий таълим даргоҳларининг ўқитувчилари нафақат ўзларининг фанларидан самарали таълим беришлари, балки ёшларнинг вақтдан қандай фойдаланишларидан ҳам доимо хабардор бўлишлари керак.

Ҳеч кимга сир эмаски, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Мирзо Улуғбек, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Имом ал-Бухорий ва бошқа кўплаб буюк бобоқалонларимиз яшаган даврларда фақатгина шам ёруғлиги ва содда илмий воситалар ёрдамида юксак салоҳиятли асарлар яратилган. Биз яшаётган даврда бўлса, барчамиз ахборот ва коммуникация технологияларининг энг сўнгги маҳсулотларидан фойдаланишимиз мумкин. Шунингдек, мамлакатимизда ёшларимизнинг баркамоллиги учун барча имкониятлар эшиги кенг очилган. Шундай экан, ёшларимизнинг интернетдан оқилон ва одоб билан фойдаланишлари давр талаби ҳисобланади. Ахир, ана шу қойдага риоя этган ёшларимиз ўз вақтида меҳнат қиладди, мунтазам спорт билан шуғулланади, замонавий ахборот ва коммуникация технологияларидан самарали фойдаланади, хорижий тилларни мукамал ўрганади, ўз соҳаси бўйича мукамал билим ва касбий кўникмаларга эга бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, ёшларимизнинг маънавий баркамоллиги муқаддас Ватанимиз – Ўзбекистон Республикасининг келажакдаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти учун пойдевор ҳисобланади. Ёшларимизда интернет хавфсизлигига қарши маънавий иммунитет шаклланган бўлса, уларга ҳеч ким ўзининг ғаразли таъсирини ўтказа олмайди. Шу сабабли келажакимиз эгалари бўлган ёшларимизда интернет маънавиятини шакллантириш ва ривожлантириш давр талабидир.

Музаффар ТОЖИБОЕВ,
ИИБ Академияси доценти,
подполковник.
Сирож БЕРДИҚУЛОВ,
ИИБ Академияси катта илмий
ходим-изланувчи, подполковник.

Бизга мактуб йўллабсиз

Мамлакатимизда тинчлик-осойишталикнинг таъминланишида ички ишлар идоралари ходимларининг алоҳида ўрни бор. Осойишталик посбонлари кийган либосларига муносиб эканлигини юртга садоқат билан хизмат қилиш орқали намойиш этмоқда. Тахририятимизга йўлланган мактубларни ўқиб бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилиш мумкин. Мазкур мақолаларда осойишталик посбонларининг юрт тинчлиги йўлида олиб бораётган самарали хизмат фаолияти, тизимда амалга оширилаётган ибратли ишлар, шунингдек, ёш ходимларда касб малакасини ошириш, баркамол авлод тарбиясидек долзарб масалаларга қаратилаётган эътибор ўз ифодасини топган.

Бўлғуси ходимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, спортга ошно бўлиши ҳамда илм чўққиларини забт этишларига шароит яратиш бугуннинг энг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Бундай ютуқларга эришиш шубҳасиз, республика ИИБ таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари зиммасига улкан масъулият юклайди. Таъкидлаш лозимки, фаол муаллифларимизнинг кўпчилигини профессор-ўқитувчилар ташкил этади. Уларнинг мактубларида ёш авлодни она-Ватанга муҳаббат, касбга садоқат руҳида тарбиялаш, улуғ алломаларимизнинг бой маънавий меросини ўрганиш, қонун устуворлигини таъминлаш, миллий анъана ва қадриятларимизни эъзозлаш сингари долзарб масалалар акс этган.

— Илгарилари тадбиркорлик билан шуғулланишга йўл йўқ эди, — дейилади ИИБ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби катта ўқитувчиси, **подполковник С. Муратованинг** «Янги давр маънавияти» номи мақоласида. — Эндликда тадбиркорлик билан қанча шуғулланилса, давлатга ҳам, жамиятга ҳам, ёшларнинг ўзига ҳам фойда. Бир сўз билан айтганда, халқимиз хоҳиш-иродасининг кўзгуси — қонунларимизга зид бўлмаган барча фаолият турлари билан шуғулланиш мумкин.

ИИБ Академияси кафедра бошлиғи ўринбосари, **подполковник М. Абдуллаев**, катта ўқитувчи, **подполковник С. Арипджанов**, доцент, тиббиёт фанлари номзоди, **подполковник О. Миртурсунов**, ўқитувчи, **подполковник З. Алиқулов**, Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслари хизмат-жанговар ва жисмоний тайёргарлик цикли бошлиғи, **подполковник Р. Джурабаев**, ўқитувчи, **подполковник Х. Акрамбаев**, ИИБ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти ўқитувчилари, **А. Мажитов**, **капитан Ў. Давлетов**, ИИБ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби кафедра бошлиғи, **подполковник И. Сиддиқов**, ўқитувчилар, **подполковник Д. Хошимова**, **майор Г. Махамаджанава** ва **катта лейтенант С. Султоновдан** ҳам юқорида тилга олинган мавзуларга оид мақолалар келган.

Кексаларни эъзозлаш, уларнинг ҳурмати янги кўйиш халқимизга хос азалий қадриятлардан саналади. Жорий йилнинг «Кексаларни эъзозлаш йили» деб номлангани ҳам бежиз эмас. Юридик фанлар

доктори, **профессор М. Бадалов** ҳамда **тадқиқотчи М. Бадаловнинг** «Кекса пандин қайтарма, эй навқирон» номи мақоласида мамлакатимизда кексаларга яратилаётган қулайликлар, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида ҳукуватимиз томонидан амалга оширилаётган ишлар хусу-

сида сўз юритилади. Бундай мазмундаги мактублар Қорақалпоғистон Республикасидан **У. Ерманов**, наманганлик **К. Даминшоева** ва **истеъфодаги подполковник А. Каримовдан** ҳам келган.

Соғлиқнинг инсон ҳаётидаги ўрнини ҳеч нарса билан таққослаб бўлмайди. Зеро, соғлом инсонгина юрт тинчлигини таъминлаш, унинг равнақи ва фаровонлигига муносиб ҳисса қўшишдек шарафли, масъулиятли ишни амалга ошира олади. Республика ИИБ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти поликлиникаси шифокор-жарроҳи, тиббиёт фанлари номзоди, **капитан К. Маҳмудов**, Навоий вилояти ИИБ тиббиёт бўлими эпидемиолог-шифокори, **лейтенант С. Шарипов**, ЖИЭМ тиббиёт бўлими бошлиғи, **капитан П. Холиқовлар** йўллаган мактубларда шахсий гигиена қоидаларига амал қилишнинг инсон саломатлигини сақлашдаги аҳамияти, озик-овқат маҳсулотлари билан боғлиқ хасталиклар, ОИТСнинг аянчли оқибатлари қўнчаклик билан қаламга олинади.

Қашқадарёлик **З. Халилов** ва самарқандлик **А. Баротовлар** ўз хабарларида профилактика хизматининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб бораётгани, мазкур соҳа вакиллари олиб бораётган самарали хизматлари боис аҳолининг ишончини қозонаётганини эътироф этади.

Осойишталик посбонларининг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, содир этилганларини бартараф этиш борасида амалга ошираётган ишлари ҳар қанча таҳсинга сазовор. Тахририятимизга келаётган мактублар орасида ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан «тилсиз ёв»нинг ол-

дини олиш мақсадида аҳоли, корхона-ташкilotлар, таълим муассасаларида ўтказилаётган тарғибот-ташвиқот учрашувлари, уни ўз вақтида бартараф этмаса, нафақат давлат ва фуқаролар мол-мулкига, балки инсон ҳаётига хавф солиши мумкинлиги тўғрисида ҳаётий мисоллар орқали ёритилган мақолалар ҳам анчагина.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси биноларини ёнғиндан муҳофаза қилувчи 14-ХЎХҚ смена бошлиғи, **капитан Н. Рихсибоев**, Сурхондарё вилояти ИИБ ЎХБ ЎХТ бошлиғи **Р. Амонов**, Тошкент вилояти Ангрен шаҳар ИИБ 2-ХЎХО муҳандиси, **сержант Ш. Курбонов**, Бухоро вилояти Вобкент тумани ИИБ ЎХБ инспектори, **сержант М. Ходжаев**, Жондор тумани ИИБ ЎХБ инспектори, **кичик сержант Ш. Раҳмонов**, Олот ту-

накига муносиб ҳисса қўшишни истайди. Бироқ таълим-тарбия жараёнида йўл қўйилган кичик камчиликлар ёки инсондаги ноқонуний хатти-ҳаракатларга мойиллик келгусида кимнингдир жиноятчи деган тамгани олишига сабаб бўлади. Содир этилган жиноят жараёни бадиий тасвирланган, жиноятчининг ички кечинмалари ишонарли тарзда ифодаланган мақолалар муштарийларнинг эътиборини тортади. Самарқанд шаҳар ИИБ тергов бўлими терговчиси, **катта лейтенант Ш. Норматованинг** «Талончи ўсмирлар», Когон шаҳар ИИБ тергов бўлими бошлиғи, **майор Ж. Тангриевнинг** «Кординаторнинг қилмиши», фаол муаллифларимиздан **Х. Маҳамованинг** «Айбига иқдор бўлди», хоразмлик **Н. Жабборованинг** «Эсиз қомат, эсиз чирой» сингари материаллари-

ларини бунинг ёрқин далилидир. Шу ўринда айтиш керакки, ИИБ Академияси 4-ўқув курси тингловчилари **Ф. Саъдуллаев**, **С. Сулаймонов**, ИИБ ЎХОТМ 4-босқич курсанти **Ф. Абдурахмонов**, ИИБ ТОХТ-БЮ 3-босқич курсанти **Ж. Мирдавлатов**, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети магистри **Г. Каллибековлар** ҳам турли мавзуларда мақолалар жўнатишган.


Муштарийларимиз томонидан йўлланган бадиий ижод намуналари ҳам анчагина. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими **И. Жумаев**, Тошкент шаҳридан **М. Мирсагатова**, Бухоро вилояти Жондор туманидан **истеъфодаги полковник Р. Очилов**, Тошкент вилоятидан **Г. Мамарасулова**, Тошкент шаҳар Учтепа туманида яшовчи **истеъфодаги подполковник Т. Курбонов**, **истеъфодаги подполковник Л. Анварова**, Фарғона вилоятидан **А. Ганиев**, Навоий вилояти Қизилтепа туманидан **истеъфодаги катта сержант К. Ёзиевлардан** турли мазмундаги шеър, ҳикоя ва бошқа материаллар келган.

Бизга етиб келган бирорта ҳам мактуб эътибордан четда қолмаслигини айтиб ўтган ҳолда, ИИБ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти тарбиявий ишлар бўлими бошлиғининг ёрдамчиси, **капитан Ж. Муродов**, ИИБ ШТБХГга бевосита бўйсунувчи Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малака ошириш Олмалиқ шаҳар марказидан **капитан Х. Акмалов**, Қашқадарё вилояти ИИБдан **майор Ш. Муслимов**, **капитан У. Кўчимов**, **лейтенант М. Мадиев**, Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридан **А. Пахратдинов**, ИИБ ШТБХГга бевосита бўйсунувчи Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малака ошириш Тошкент шаҳар марказидан **подполковник К. Баратов**, ИИБ ШТБХГга бевосита бўйсунувчи Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малака ошириш Фарғона шаҳар марказидан **лейтенант А. Хусанов**, Хоразм вилояти ИИБдан **катта лейтенант Ф. Ёқубов**, Каттақўрғон шаҳар ИИБ ҲООБ ВЕЎН ва ҲПГ катта инспектори, **майор Ф. Тилавов**, Андижон вилояти Избоскан тумани факултети вазиётлар бўлими бошлиғи **Д. Ташпўлатов**, Сирдарё вилояти ИИБдан **лейтенант Х. Бердиев**, **сержант Б. Тўрақулов**, навоийлик **А. Шарипова**, сирдарёлик **Х. Олимжонова**, хоразмлик **Қ. Нуруллаев**, фарғоналик **А. Абдуллаев** ва бошқа кўплаб муштарийларимиздан ҳам турли мазмундаги хат-хабарлар келганлигини таъкидлаш лозим.

Нашрларимиз ўқувчилар кўнглига йўл топаётгани бизни қувонтиради ва масъулиятни ҳис қилган ҳолда саҳифаларимизни янада қизиқарли, долзарб мавзулардаги материаллар билан бойитишга ундайди. Бунда Сиз — муштарийларнинг фикри биз учун муҳим аҳамият касб этади. Шу боис сизлардан ҳар томонлама мукамал, мазмунли ва пишқиқ-пухта материаллар кутиб қоламиз.

Шерзод АБДУШУКУРОВ.

ХАТЛАРДА ҲАЁТ АКС ЭТАР



мани ИИБ ЎХБ инспектори, **сержант Ж. Фафоров** ҳамда Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани ИИБ ЎХБ катта инспектори, **кичик сержант А. Худоёровлар** йўллаган хатларни бунга мисол тариқасида айтиб ўтиш мумкин.

Юртдошларимизнинг йўл ҳаракати қоидаларига амал қилиш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишда жойларда ўтказилаётган учрашув, давра суҳбатларининг аҳамияти катта. Қашқадарё вилояти ИИБ ЙХХБ 3-отряд 2-сафарбарлик гуруҳи командири, **сержант А. Ҳасановнинг** «Йўл қоидаси — умр фойдаси», Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ЙХХБ инспектори, **лейтенант К. Муратовнинг** «Инсон умри бебаҳо», Қоразак тумани ИИБ катта терговчиси, **капитан Б. Аллошевнинг** «Инсон умрига жавобгар» материалларида бу борада атрофлича фикр юритилади.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, муштарийларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда саҳифаларимизда берилаётган қонунчилик тарғиботига оид мақолалар муҳим аҳамият касб этади. Республика Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази тингловчилари **А. Турғунов**, **Т. Тўхтасинов**, **Д. Наурызбаев**, Қашқадарё вилояти ИИБ ЙХХҚ ва ЮТБ катта инспектори, **лейтенант Ф. Абдурахмонова**, Жиззах шаҳар ИИБ ҲООБ ВЕЎН ва ҲПГ катта инспектори, **катта лейтенант С. Холмирзаева**, Ховос тармоқ ИИБ бошлиғи ўринбосари, **подполковник Х. Донишев** ҳамда тадқиқотчи **М. Қиличевдан** ҳуқуқий мавзуларга доир хабарлар келган.

Ҳар бир ота-она фарзандининг яхши инсон бўлиб вояга етиши, юрт тинчлиги ва рав-

да жиноят кўчасига кириб қолган ана шундай қабиҳ кимсаларнинг кирдикорлари ҳақида сўз юритилади.

Ички ишлар идоралари ходимларининг маънавий-руҳий саломатлигини мустаҳкамлашда вазирлик раҳбарияти ташаббуси билан ташкил этилган психология хизматининг аҳамияти катта бўлаётир. Фарғона давлат университети психология кафедраси катта ўқитувчиси **Ф. Солиев**, республика ИИБ ШТБХГга бевосита бўйсунувчи Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малака ошириш Фарғона шаҳар маркази инспектор-психологи, **катта сержант А. Хусанов**, Бухоро вилояти ИИБ ШТБХГ катта инспектор-психологи, **катта лейтенант З. Эловлардан** келган хат-хабарларда файрихтирий онг, хатти-ҳаракатлар орқали инсон психологиясини англашга доир ходимларнинг хизмат фаолиятида асқотадиган маълумотлар келтирилган.

Юртимиз олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар, тингловчи ва курсантлар юксак маънавиятли, комил инсон бўлиб вояга етаётганини, мустақил Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш ўзларининг юксак орзу ва муқаддас бурчлари эканини фахр билан таъкидлайдилар. Навоий давлат педагогика институти ўзбек филологияси факультети талабаси **Д. Ражабованинг** «Огоҳликка даъват», ИИБ Академиясининг 4-ўқув курси тингловчилари **Е. Архангельская** ва **Н. Панжиеванинг** «Мақсадимиз — билимли ва малакали ходим бўлиб етишиш» сингари мақо-

Мутахассис огоҳлантиради

ЗАҲАРЛИ ҚЎЗИҚОРИНДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Баҳор мавсумида кунлар исиб, ёмғирлар ёғиши оқибатида далалар ва яйловлар, тоғ бағирлари, ариқ бўйлари, кенг йўллар ёқаларида замбуруғларнинг ўсиб ривожланиши кузатилади. Ер шарида замбуруғларнинг 100 мингдан ортиқ ботаник тури мавжуд бўлиб, улардан фақат 200 тури истеъмол учун яроқлидир. Бу замбуруғлар ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсининг оралиғида бўлган алоҳида гуруҳ ҳисобланади.

Ўзбекистонимиз заминида қўзиқоринларнинг 200 га яқин ботаник турлари ўсиши аниқланган ва шундан 20 га яқини истеъмол учун яроқли ҳисобланади. Халқимиз азалдан замбуруғларни истеъмол қилиб келган ҳамда уларнинг заҳарли ва заҳарсизларини ажрата олган. Истеъмолга яроқлиларини қўзиқорин деб аташган.

Ана шу истеъмолга яроқли бўлган қўзиқоринлар оқсил, витаминларнинг С ва В турлари ҳамда минерал моддаларга бой. Диёримизда баҳор ҳамда куз ойлари қўзиқоринларнинг асосий ўсиш мавсуми ҳисобланади. Уларни севиб истеъмол қиладиган фуқаролар учун бу мавсум қулай фурсат ҳисобланади. Айни ўша пайтлар кўча-кўйларда, катта йўл ёқасида номалум шахслар томонидан қўзиқоринларни сотиш ҳолатлари кузатилади.

Истеъмол қилиш мумкин бўлган ва заҳарли қўзиқоринларни бир-биридан ажратиш жуда мураккаб. Кўп ҳолларда улар бир-бирига ўхшаб кетади. Истеъмолга яроқли қўзиқоринларга: оқ қўзиқорин, қизил қўзиқорин, шампиньон ва опёнок киради. Заҳарли қўзиқоринларга: қизил мухомор, кулранг мухомор, сатанин, сариқ сохта қўзиқорин ва бошқалар киради. Тузланган ёки сиркаланган қўзиқоринларни руҳланган идишларда сақлаганда ҳам заҳарланиш рўй бериши мумкин.

Сморчок ва строчок қўзиқоринларидан нотўғри таом



тайёрланганда ҳам заҳарланишга сабаб бўлиши кузатишган. Туркибида заҳарли гелвелат кислота бўлиб, у сувда яхши эрийди, шунинг учун сморчок ва строчок қўзиқоринларини истеъмол қилишдан олдин қайнатиб, сувини тўкиб ташлаш керак.

Ушбу заҳарли моддалар кимёвий ва физикавий факторларга ўта чидамли бўлиб, қўзиқоринларга ишлов берилганда ҳам парчаланиб йўқ бўлиб кетмайди. Заҳарли қўзиқоринларни қовурилган, қайнатилган ва консервланган ҳолда истеъмол қилинганда ўткир заҳарланиш юзага келади. Заҳарланиш аломатлари 6-12 соатдан кейин бошланиб, ҳолсизлик, кўнгил айниш ва тез-тез қусиш ҳолатлари кузатилади. Шу билан бир қаторда ошқозон-ичак тизимининг дисфункцияси, қорин соҳасидаги оғриқ билан бирга кечади.

Қўзиқорин таркибидаги

заҳарли моддалар натижасида жигар, буйрақлар, ошқозон ости беши ва марказий асаб тизими кучли зарарланади. Касаллик белгилари истеъмол қилинган қўзиқориннинг турига қараб, турлича намоён бўлиши мумкин. Масалан, қизил мухомор таркибида мускаридин ва мускарин алкалоидлари мавжуд. Қизил мухомордан заҳарланганда касаллик белгилари 1-2 соат ўтгач намоён бўлади. Асаб тизими фаолиятида ўзгаришлар, сўлак оқиши, кўп терлаш, кўздан ёш оқиши кузатилади, томир уриши (пульс) секинлашади ва суст-лашади. Алаҳсираш (галюцинация), титраш кузатилади, кўз қорачигининг кенгайиши ёки уларнинг торайиши юз беради. Беморларга тез тиббий ёрдам кўрсатилса, одатда 1-2 кундан кейин соғайиб кетади. Заҳарланишга шубҳа қилинганда беморга 5-6 стакан илиқ сув берилиб сунъий

қайд қилдирилади. Ошқозон-ичак тизими заҳарли моддалардан ўз вақтида юшиб ташланмаса, ичаклардан қон айланиш тизимига ўтади. Ўз вақтида даво чоралари кўрилмаган вақтларда беморнинг аҳволи оғирлашиб, ўлим билан яқун топиши ҳам мумкин.

Автомагистрал йўл ёқалари, заҳарли оғулар ҳамда кимёвий моддалар сақланадиган омборхоналарнинг тева-рак-атрофларида ўсадиган қўзиқоринлардан ҳам заҳарланиш мумкин. Чунки машиналардан чиқадиган ис-газлар ва заҳарли моддаларни қўзиқоринлар ўзларининг таркибига сингдириб олиши мумкин. Бундай ҳолатларда истеъмолга яроқли бўлган қўзиқоринлардан ҳам заҳарланиб қолиш ҳеч гап эмас.

Нохуш ҳолатларнинг кузатилмалиги учун ҳар бир шахс заҳарли ва заҳарсиз қўзиқоринларни ажрата олиши лозим. Бозорлар ва савдо дўконларидан қўзиқорин харид қилмоқчи бўлсангиз, гигиеник ҳамда мувофиқлик сертификатлари, ветеринария-санитария лаборатория мутахассислари томонидан бериладиган маълумотнома-ни талаб қилиш керак бўлади. Шунингдек, йўллар, заҳарли оғулар ҳамда кимёвий моддалар сақланадиган омборхоналарнинг тева-рак-атрофларида, кўча-кўйларда аҳоли томонидан сотилаётган қўзиқоринларни ҳам харид қилмасликни тавсия этамиз.

Қўзиқоринларни турғун савдо шохобчаларидан, белгиланган жойлардан тегишли сифатини кафолатловчи хужжатлари бор бўлган тақдирда харид қилинг. Акс ҳода, ўз саломатлигинизнинг ҳар бир япроғига ўзингиз нина санчган бўласиз, ҳаттоки, ўз умрингизга заво-л етказишингиз мумкин.

Мусурмон АЛЛАМУРАДОВ,
ИИБ СЭНБМ бошлиғи
ўринбосари,
подполковник.

ИИБ таълим муассасаларида

МАҚСАД ВА ИМКОНИЯТ УЙҒУНЛИГИ

Бугунги кунда мамлакатимизда ички ишлар тизимида етук кадрлар тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда тизимдаги олий ўқув юртлирида замонавий шарт-шароитлар яратилиб, таълим самарадорлиги ортиб бормоқда.

ИИБ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида курсантларнинг билим олиши, келажакда ўз соҳасининг етук мутахассислари бўлиб етишиши учун кенг имкониятлар яратилган. Жумладан, замонавий ўқув аудитория ҳамда лаборатория хоналари, шунингдек, стадион, спорт зали, ўқув минораси, руҳий тайёргарлик йўлакчаси машғулотларнинг қизиқарли ва самарали ўтишини таъминляпти. Бундан ташқари, таълим жараёнини бевосита амалиёт билан боғлиқ равишда олиб бориш мақсадида ўқув-ёнғин ўчириш қисми ташкил этилган. Бу ерда айни пайтда 1-курс курсантлари ёнғин ўчирувчи, 2-курс курсантлари экипаж командири, 3-курс курсантлари смена бошлиғи, 4-курс курсантлари қисм бошлиғи ўринбосари ва 5-курс курсантлари қисм

бошлиғи лавозимларида босқичма-босқич ўз мутахассисликларининг сирасорларини ўзлаштиришмоқда. Бу, ўз навбатида, курсантларнинг чуқур амалий кўникма ҳосил қилиши учун пухта замин яратмоқда.

Таълим муассасасида илмий-тадқиқот ишлари ўқув жараёни билан ҳамоҳанг тарзда олиб борилаётгани ҳам эътиборлидир. Бу ерда фаолият кўрсатаётган Илмий-текшириш марказида иқтидорли курсантлар ёнғин хавфсизлиги муаммоларини ўрганиб, уларни ҳал қилиш борасида тадқиқотлар олиб боришади. Қолаверса, ташкил этилган турли фан тўғараклари бизга қизиқишларимиз доирасида изланишлар олиб бориш ва ўз иқтидоримизни намоён этиш имконини яратмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ИИБ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабидаги мавжуд кенг имкониятлар ўз натижасини бермоқда. Бугун мактабнинг ўқув аудиторияларини бежаб турган, ёнғин хавфсизлиги муаммоларининг инновацион ечимларини ўзида акс эттирган ўқув макетлари, стендлар, янги қурилмалар ва бошқа кўплаб кўргазмали материалларни ана шу имкониятлар меваси деб баҳолаш мумкин. Буларнинг барчаси бизни янада кўпроқ ўқиб-ўрганишга ундаб, келгусида ёнғин хавфсизлигини таъминлашдек хайрли мақсадга эришишимизда муҳим омили бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

Ф. АБДУРАҲМОНОВ,
ИИБ Ёнғин хавфсизлиги олий техник
мактаби курсанти.

Бир ҳовуч дур



КОНФУЦИЙ РИВОҲЛАРИ

ҲАР ҚАДАМДА ОҒА-ИНИ

Сима Ню:

– Ҳаммининг оға-иниси бор. Менинг эса на акам, на укам бор, – деб нолиб қолди.

Шунда Цзися таскин бериб:

– Мен бу ҳақда шундай эшитган эдим. Ҳаёт ва мамот Яратганининг иродасига боғлиқ. Авлодларнинг, бойлигининг кўп бўлиши ҳам унинг инояти. Аммо киши бошқаларга хушмуомала бўлса, каттанинг ҳурматини жойига қўйса, кичикни иззат қилса, одамлардан яхшилигини аямаса, тўрт денгиз оралиғидаги шу заминда ҳар қадамда оға-ини орттиради. Шундай экан, ака-укам йўқ деб нолишга не ҳолат?! – деди.

ДЎСТ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Цзигун устозидан сўради:

– Дўст қандай бўлади?

Устози жавоб қайтарди:

– Бировга дўст бўлишни истасанг, уни ҳеч қачон алдама. Унга маслаҳат берсанг, фақат эзгулик-ка унда. Аммо маслаҳатларингга қулоқ солмаса, сўзингда туриб олиб қадрингни ерга урма.

НИМА ЯҲШИЮ, НИМА ЁМОНУ?

Цзигун сўради:

– Бир кишини ҳамма ҳамқишлоқлари яхши кўришса, бу яхшимми?

Устози жавоб берди:

– Йўқ, бу ёмон.

– Агар бир кишини барча ҳамқишлоқлари ёмон кўришса-чи?

– Бу ҳам ёмон. Агар уни қишлоғидаги яхшилар яхши кўриб, ёмонлар ёмон кўрса, мана бу яхши, – дея жавоб қайтарди устози.

БАХТ БОЙЛИҚДА ЭМАС

Буюк князь Цининг минглаб отлари бор эди. Аммо вақти қазоси етгач, ҳеч ким уни яхши сўз билан ёд этмади. Камбағал ака-ука Шоюян тоғи яқинида очликдан жон таслим қилишди. Одамлар оға-иниларнинг эзгу амалларини ҳали-ҳануз эслаб юришади. Ҳақиқий бахт мол-давлат, бойликда эмас, яхшиликлар қилишда.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Фарход Жўракулович
МУҲАММАДИЕВ Ўзбекистон Рес-



публикаси
ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми ва 28/211-моддаси 3-қисми «в» бандида кўрсатилган жиноятларни содир этиб, тергов идораларидан қочиб юргани учун Самарқанд вилояти ИИБ томонидан қидирилмоқда. У 1984 йилда туғилган. Самарқанд вилояти Пайариқ тумани Аҳмад Яссавий номи маҳалла фуқаролар йиғини Беруний кўчаси 34-уйда яшаган.

Ф. Муҳаммадиевни кўрган, қаердалигини билганлардан Самарқанд вилояти ИИБга (0-366) 233-31-30 ва 233-02-64 рақамли телефонлар орқали ёки яқин орадаги ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.

Турмуш чорраҳаларида

Унинг юзида зоҳир бўлган синиқ табас-сум қалбини куйдираётган дарднинг ту-туни эди. Шундай ўқтам, шундай забар-даст одамнинг дабдурустан тўшакка ми-хланиб қолиши бир қараганда ақлга сиг-майди. Аммо номус масаласи кишини бундан-да баттар аҳволга тушуриб қўйиши ҳам мумкин экан.

– Аввалги суҳбатимизда, бу қишлоқ-нинг каттасиман, ҳамма мен билан мас-лаҳатлашиб иш қилмади, дегандингиз. Шунинг учун «катта ака» билан саломла-шиб кетай, деб ёнингизга кирдим, – де-дим унинг кўнглини кўтармоқчи бўлиб.

– Ҳа, энди бир пайтлар айтгандим-да бу гапни. Ҳозир замон бошқа, ҳамманинг ўз фикри бор, биров бировнинг мас-лаҳатига муҳтож эмас.

– Майли, катта ака, энди бизга рух-сат, озгина ишларим бор, қайтишда яна кирарман.

Пиёладаги чойни хўпладим-да, рухсат беринг деган маънода фотиҳага кўл оч-дим. У ҳам ортиқча мулозамат қилиб ўтир-мади.

У билан дастлабки танишувимиз таас-суротларга бой бўлганди...

Хизмат сафари билан Оққайин қишло-ғига борганимда, шу ерлик Суннат исмли танишим қўярда қўймай дўстининг тўйи-га олиб борди. Тўйхонага деярли ҳамма йиғилган, ҳатто таниқли ҳофизлар ҳам шу ерда-ю, негадир тўйни бошламай кимни-дир кутиб туришарди.

– Даврани Фолиб ака очиб бериши керак, – деди Суннат ҳайрон бўлганим-ни сезиб.

– Маҳалла раисими?

– Йўқ, у киши оддий чавандоз бўлса ҳам, маҳалланинг энг эътиборли одами. Унинг даврани очиб бериши тўй қилган-ларнинг обрўси ҳисобланади.

Шу гапдан кейин мен ҳам уни қизиқиб кута бошладим. Бир пайт оддийгина ки-йинган, дўппили бир киши даврага кир-ди. Унинг салобатли гавдаси, юзидаги виқор ва самимият, лочинниқидек ўткир нигоҳлари бир зумда гала-говур даврага сукунат чўмдирди. Энди одамлар диққат билан уни эшитишга тайёр туришарди. У даврани очиб икки ёшга бахт тилагач, ҳофизларга навбат бериб, ўзи четга чиқ-ди. Тўй қизигандан қизиб, кўшиқ авж ол-ган пайтда одамлар даврага тушиб, ҳофизнинг атрофини ўраб олишди. Би-роздан сўнг мастларнинг қийқириғию ёшларнинг бетартиб йўнлари даврани бесаранжом қилиб юборди.

– Чекарроқда турунлар, давра ҳамма-га кўринсин.

Ҳофизнинг бу гапларини ҳеч ким эшит-мади гўё. Шу пайт маҳалла раиси ми-крофонни олиб, одамларни тартибга ча-қирди. Бироқ унинг гаплари ҳам бесамар бўлди. Даврада чайқалиб турган йигит ёнидагисини итариб юборди. У ҳам маст эди, шекилли, мувозанатини йўқотиб йи-қилди. Ўрнидан туриб, итариб юборган йигитнинг юзига мушт туширди. Давра энди жанг майдонига айланди. Ҳар икки йигитнинг тарафқашлари ўртага тушиб муш тлаша бошлади. Биров бировнинг гапини эшитмас, ҳатто ёши катталарнинг ҳам жанжалкашларга сўзи ўтмаётган эди.

– Уят сенларга! Қанча одам қараб ту-рибди.

Атрофни ларзага келтириб, бир зум-да жанжални бартараф қилган бу овоз соҳиби Фолиб ака эди.

– Қани ҳамманг четга чиқларинг, тўй қилиб дастурхон ёзган одамга раҳматла-рингми, бу сенларнинг?! Тарбия кўрган-мисизлар ўзи?!

Фолиб ака аччиқ-аччиқ гапириб, дав-рани бир зумда тартибга солди. Муштла-шаётган йигитлар ҳам маст бўлса-да, унинг гапларидан хижолат бўлгани сези-либ турарди. Тўйнинг қолган қисми тинч ўтди. Ушанда оддий чавандознинг бу қиш-лоқдаги обрўси, ҳурмати мени ажаблан-тирди. У билан яқинроқ танишгим келар-ди. У ҳам худди менинг хаёлларимни ўқиётгандек бир-икки марта маъноли қараб қўйди. Шу куни тўйни ўтказиб, Сун-натнинг уйда тунаб қолдим.

Эрта тонгда эшикдан ёш боланинг ча-қиргани эшитилди.

– Катта акам юборди, меҳмонни олиб борар экансиз.

Гап мен ҳақимда бораётганини сезиб,

яна ажабландим. Катта ака ким, мени нега сўраяпти деган хаёллар гирдобига ола бошлади. Бу қишлоқда ҳамма Фолиб ака-га «катта ака» деб мурожаат қилишини Суннатдан билиб олдим.

– Оққайинга келган меҳмон менинг бир пиёла чойимни ичмай кетмаган, – деди «катта ака» суҳбат асосида. – Қачон кел-сангиз, эшигим очик, бирор маслаҳатли иш чикса ёки ёрдам керак бўлса – мар-ҳамат, бу қишлоқда менинг сўзимни икки қиладигани йўқ. Зилолахон, чойни янги-лаб юборинг қизим. Сизни кеча тўйда кўргандим, йигитлардан суриштириб меҳ-мон эканингизни билгач эрталабдан йўқлатдим.

– Ўзим ҳам сиз билан бир суҳбатла-шишни кўнгилга туккандим, – дедим ку-лимсираб.

У билан суҳбатимиз қизиқ кетди. Кўпқарида кўрсатган жасоратлари, отлар



ҳақида айтган воқеа-ларининг ўзи бир ки-тоб бўлгулик эди. Унинг ўз қизига «сиз-»лаб, эсимга «хон» қўшиб гапириши уни анчагина эркалаб ўстираётганини билди-риб турарди.

– Уғил кўрсам, албатта чавандоз бў-лади, – деб ният қилгандим, пешонамга бит-маган экан. Қизим жарроҳлик йўли би-лан туғилган, шифокорлар аёлим бошқа фарзанд кўра олмаслигини айтишди.

Бутун қишлоқ аҳлининг суянчиғи бўлган, мустаҳкам қоядек мағрур инсон-нинг ҳам дарди бор экан. Ҳаётда ҳеч қан-дай армони йўқдек кўринадиган бу ин-соннинг дил зорини тинглаб, биров ачин-ган бўлсам, ўзига шунчалик яқин олиб дардлашганига қувониб ҳам қўйдим. Ай-никса, қишлоқ аҳлининг ҳар бир ишни «катта ака» билан бамаслаҳат қилиши, ҳатто бир куни ажрашиб арафасида тур-ган оила ҳам унинг икки оғиз сўзи билан ярашиб кетганини кўриб қалбимда чуқур таассурот қолди. Бу қишлоқда Фолиб ака-дек мағрур одам бошқа йўқ эди. У ҳар бир гапини буйруқ оҳангида гапирар, ҳам-қишлоқлари ҳам шунга ўрганган, ёшу қари ундан маслаҳат оларди. Одамлар-нинг яхши-ёмон куниди кўпчиликка бош-қош бўлиб, «сен у ишни қил, сен буни олиб кел, сен ўтин ёр» деб турувчи, ўзи ҳам қўлидан келган ёрдамни аямасдан, бошқаларни ҳам ортидан эргаштирувчи, ҳақиқатан ҳам ўзи айтганидек, қишлоқ-нинг каттаси, йўлбошчиси эди. Шунчалик мағрур бўлишига қарамай, барча яхши одатларнинг кули эди бу одам. Ҳатто шо-шилиб кетаётганда ҳам кўпчиликнинг ёни-дан ўтиб қолгудек бўлса, албатта, отдан тушиб саломлашарди.

Орадан йиллар ўтиб яна Оққайинга йўлим тушди-ю, биринчи бўлиб «катта ака»ни йўқладим. Бироқ қаршимда бу-тунлай бошқа киши турарди гўё. Ундаги кескин ўзгаришдан анча вақтгача фаро-муш бўлиб юрдим. Аввалига дардга ча-линиб ётиб қолгани учун бўлса керак деб ўйладим. Аммо қишлоқдаги таниш-би-лишлар билан гаплашиб, воқеани батаф-сил билиб олдим.

...Ҳисор қишлоғида бўлиб ўтган кўпқа-рининг овозаси ҳаммаёққа тарқалди. Ай-никса, Мурод чавандознинг фирром ўйин қилгани ва шарманда бўлганини ҳамма бир-бирига айтиб муҳокама қилишарди.

Шу куни Фолиб ака катта умидларда йўлга чиққанди. Майдонда фақат ёшлар эканини кўргач, улар билан улоқ торти-шишни ўзига эп кўрмай чеккароқдан то-моша қила бошлади.

– Сен нега чопмаяпсан? – деди ма-ҳалласидаги йигитнинг четда турганини кўриб.

– Негадир отимнинг оёғи оқсаяпти.

Фолиб ака отидан тушиб уни йигитга тутқазар экан, кўп қамчилмаслиқни, жи-ловни бўш қўйса ўзи яхши югуришини айтди ва унга омад тилади. Қадрдон жий-ронининг навқирон йигит остида елдек учишини томоша қилиб завқи ошди. От-лар бир жойда тўпланиб улоқ тортиш авж олган пайтда бир чавандоз ёнидан пичоқ чикарганини кўрди. Фолиб ака ҳай-ҳай-лашга улгурмасдан жийроннинг айили ке-силди. Эгар ёнига қийшайиб, устидаги йигит ерга қулади. Қилмишимни ҳеч ким

сезмади деб ўйлаган фирром чавандоз улоқни олиб тўдадан чиқди. Бироқ Фолиб ака бақириб ўйинни тўхтатди.

– Ҳайф, сенга чавандоз деган ном! Фир-ром ўйин қилгандан кўра, анави аёлларга қўшилиб қарсақ чалиб ўтирсанг бўларди.

Унинг қазаб билан, баланд овозда айт-ган гапларини ҳамма эшитди. Ҳатто май-дондан анчагина чеккада, тепаликка чи-қиб олиб томоша қилаётган аёллар ора-сида ҳам қаҳ-қаҳа янгради. Бу гаплар қал-бига наштардек ботган Мурод чавандоз отдан тушиб Фолиб аканинг ёқасига чанг солди. Уни ажратаётганларнинг ҳамма-си Муродга дакки берар, Фолиб аканинг гапи тўғрилигини айтарди.

– Сен ҳали шошмай тур, шу гапинг учун пушаймон қилдирмасам, чавандоз эмас-ман.

Мурод шундай деди-ю, отини елдириб ўйинни тарк этди.

Унинг бу дағдасига ҳеч ким эътибор бер-мади. Ўйин тўхтаган жойидан давом этди. Аламини бегуноҳ тулпордан олиб, унга уст-ма-уст қамчи босиб кетаётган чавандознинг қулоғи остида «аёллар билан ўтириб қар-сак чал» деган сўзлар жаранглаб туравер-ди. Энди унинг қалбида чавандозларга хос мағрурлик билан фирромчиларга хос ман-фурлик бирлаша бошлади.

...Қишлоқда Зилоланинг энг яқин ду-гонаси Мафтуна эди. У Зилоладан фарқ-ли ўлароқ, анчагина шўх, уятли гаплар-ни ҳам пардасиз гапираверарди. Бир куни у уяли телефонидан беҳаё филь-лар кўрсатди.

– Уле, шунақа нарсаларни кўрасанми, – деди Зилола аввалига кулиб.

Кейин эса аста-секин ўзи ҳам қизиқа бошлади. Ёлғиз қизини ҳар балодан ас-раб улғайтираётган Фолиб аканинг ҳам «интернет» деган бу «замонавий бало»га унчалик ақли етмас эди. Шу боис ҳам қиз бу борада эътиборсиз қолди. Энди икки дугона асосий вақтини интернет орқали танишлар орттириб, бегона йи-гитлар билан гаплашиб ўтказадиган бўлишди.

– Бир йигит билан учрашувга чиқмоқ-чиман, бирга борасан, – деди бир куни Мафтуна.

– Мен бора олмайман, дадам билса ўлдириб қўяди.

– Бормасанг чин дугона эмассан, да-

данг билмайди, тез бориб қайтаман. Ту-ман марказидаги кафеда кутишяпти.

– Кутишяпти! Бир киши эмасми?

– Ёнида ўртоғи ҳам бўлишини айтган-ди, баҳонада танишиб оласан.

Дугонасини қўярда-қўймай учрашувга кўндиргач, унга ясан-тусан қилиб келиш-га ҳам фурсат бермай йўлга отланди.

Бежиримгина безатилган стол атрофи-да ўтирган йигитлар уларни мулозамат билан кутиб олишди. Тортиниб ўтирган Зилоланинг суҳбатга кириша олмаётгани-ни кўрган йигитлардан бири Мафтунага ишора қилиб қўйди. У эса анчагина ури-нишлар, «чин дугона», «далда», каби сеҳр-ли гаплар билан дугонасига коньяк ичи-ришга ҳаракат қила бошлади.

– Майли, озгина, – деди ниҳоят қиз энгилиб. Мана шу «озгина» унинг ҳаёти-ни барбод қилиш учун етарли бўлиши-ни билмади.

– Отангизни яхши танийман, у ажо-йиб чавандоз, – деди ўзини ҳисорлик Му-роджон деб таништирган йигит. – У би-лан бир қанча кўпқариларда ёнма-ён чоп-ганмиз.

– Зўр-ку, сиз ҳам чавандозмисиз?

Қизнинг ҳайратланиб айтган гапидан Мурод аллақандай ифтихор ҳис этди. Энди Зилола анчагина тилга кирган, йи-гитлар билан бемалол ҳазиллашиб, кули-шиб ўтирарди. Ҳатто Мурод томонидан узатилган қадаҳга ҳам номига қаршилиқ кўрсатди-ю, осонгина энгилди. Шу тариқа воқеликни идрок этишдан узоқлашиб бо-раётганини сезмай қолди.

Кечга яқин Мафтунанинг уйда кўзи-ни очиб, кўрқиб кетди. Уларнинг бир ҳолатда кириб келганини ҳеч ким сезмай қолишганди.

– Мафтун, мен ҳеч нарсани эслолма-япман, нималар бўлди ўзи?

– Мен ҳам сендан баттар аҳволдаман, сўрамай қўяқол.

Бўлиб ўтган воқеалар қизнинг онгида элас-элас тикланар экан, вужуди титраб, даҳшатли махлуқ қаршида тургандек, таҳликага туша бошлади. Дугонаси эса уни юпатиб, ҳаммаси яхши бўлишини, бу аҳволга тушган биргина унинг ўзи эмас, ундайлар кўпчилигини, уларга ҳам ҳеч нарса бўлмаганини айттарди.

Шошилиб уйига кирган Зилола онаси-нинг саволига, Мафтунанинг уйда гап-лашиб ўтириб ухлаб қолибмиз, деб баҳо-на қилди ва боши оғриётганини айтиб ётиб олди. Шундан буён анча одамови бўлиб, уйдан чиқмас, биров билан гап-лашиши ҳам хоҳламас эди.

Орадан икки-уч кун ўтиб, Фолиб ака-нинг уйига Ҳисор қишлоғидан совчилар келишди. Уларнинг Мурод чавандоздан эканини эшитган Фолиб ака ўйлаб ҳам ўтирмай рад жавобини берди.

– Гапнинг дангалини айтсам, фирром-чига қиз бермайман, унинг қилган иши-ни ҳамма кўрган.

Совчиларнинг умидсиз қайтгани Му-роднинг парвосига ҳам келмади. Қайтан-га у Фолиб аканинг гапларини эшиттар экан, юзида қабихона табассум ҳосил бўлди. Совчиликка борган холасини ёнига қақириб, бир нималар деб шивирлади.

Меҳмонларнинг навбатдаги ташри-фи хонадон эгаларининг қон йиғлаши-га сабаб бўлди. Айникса, қизини қий-нов-қистовга олиб, номуси топталгани-ни билгач, шўрлик она эрининг юзига ҳам қарай олмай қолди. Ёлғиз қиз ўсти-раётган отанинг эса барча орзулари поймол бўлди.

Орадан кўп ўтмай Оққайин қишлоғида совуққина тўй бўлиб ўтди. Аслида тўй деб айтишга ҳам арзимайдиган беш-ўн киши-лик бу маросимда отанинг ўрнига амаки «оқ фотиҳа» берди. Одамларнинг юзида-ги сўлғинлик, бир-бирлари билан паст овозда гаплашишларини кўрган киши бу ҳовлида дафн маросими бўляпти деб ўйлаши мумкин эди. Ҳақиқатан ҳам қиш-лоқда ор-номус мустаҳкам бўлиши керак-лиги борасида кўпчиликка ўрнатилган бў-либ бир инсон шу номусини дафн этаёт-ган эди гўё.

Бу воқеани Оққайин қишлоғида кўпчи-лик эшитса-да, бироқ «катта ака»нинг ҳур-мати юзасидан биров у ҳақда гапирмас эди. Шу-шу Фолиб аканинг тўйдан сўнг кўчага чиққанини ҳеч ким кўрмади.

Иномжон РАҲИМХУҲАЕВ,
сержант.

Спорт *** Спорт *** Спорт *** Спорт *** Спорт *** Спорт *** Спорт *** Спорт *** Спорт

МУРОСАНИЗ БАҲСЛАРДАН СЎНГ

Тошкент шаҳар ИИББ Касбий тайёргарлик марказида Ўзбекистон Республикаси ИИБ хузуридаги «Кўриқлаш» бирлашмасининг жойлардаги бўлинмалари ходимлари ўртасида волейбол бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Жамоалар бир неча кун давомида ўзаро баҳслашишди.

Мусобақалар чоғида спортчилар ўзларининг яқка тартибдаги ва жамоавий ўйиндаги маҳоратларини намойиш этишди. Финал босқичига яқинлашгани сайин голибликка даъвогарлар сони камайиб борди. Ва ниҳоят якуний натижалар маълум бўлди. Шундай қилиб, биринчи ўринни Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ хузуридаги кўриқлаш хизмати жамоаси эгаллади. Иккинчи ўрин Тошкент шаҳар ИИББ хузуридаги кўриқлаш бошқармаси, учинчи ўрин эса Навоий вилояти ИИБ хузуридаги кўриқлаш бошқармаси вакилларига насиб этди. Тантанали тақдирлаш маросимида мусобақа голиби ва совриндорларига кўча кубок, қимматбаҳо совғалар ҳамда дипломлар топширилди.

– Бўлиб ўтган мусобақалар жойлардаги кўриқлаш хизматлари-

нинг раҳбарлари жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш масаласига қанчалик масъулият билан ёндашаётганликларини кўрсатди, – дейди Ўзбекистон Республикаси ИИБ хузуридаги «Кўриқлаш» бирлашмаси ШТБХ катта инс-



пектори, майор А. Каримов. – Бу ниҳоятда муҳим жиҳат. Зеро, ходимларимиз зиммаларида-

ги вазифаларни тўлатуқис бажаришлари учун соғлом, чидамли, чаққон, жисмонан чиниққан, ҳар қандай вазиятда тез ва аниқ ҳаракат қила оладиган бўлишлари лозим. Волейбол ўйини эса чаққонлик билан жамоа бўлиб ҳаракат қилишни ўргатади. Келгусида вакилларимиз бундан ҳам яхшироқ натижаларни кўлга киритишларига ишончим комил. Чунки улар каттақон, аҳил жамоадир!

Георгий АНДРЕЕВ.
Суратда: мусобақадан лавҳа.

Муаллиф олган сурат.

ҚИЗИҚИШ ОРТИБ БОРМОҚДА

Мамлакатимизда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг жисмоний тайёргарлигини ошириш ҳамда жойларда турли мусобақаларни ўтказишда «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамиятларининг алоҳида ўрни бор. Бу борада Жиззах вилояти «Динамо» ЖТСЖ томонидан ҳам эътиборга молик ишлар амалга ошириляпти.



Жумладан, спорт жамияти ва вилоят ИИБ ўртасида тақвим-режа тузилган бўлиб, унда йил мавсумларини эътиборга олган ҳолда қатор спорт мусобақаларини ўтказиш белгиланган.

– Режага асосан яқинда вилоят ички ишлар идораларида хизмат қилаётган шаходатланган ҳамда меҳнат шартномаси асосида ишловчи хотин-қизлар ўртасида шахмат ва шашка бўйича навбатдаги мусобақа ўтказилди, – дейди вилоят «Динамо» ЖТСЖ раиси ўринбосари, подполковник Улуғбек Наврўзов. – Мусобақа спортнинг мазкур интеллектуал турларига бўлган қизиқиш тобора ортиб, улар билан шуғулланганидан аёл ходимларимиз сони кўпайиб бораётганини кўрсатди.

Мусобақанинг шахмат турида Жиззах шаҳар ИИББ терговчиси, лейтенант Шаҳноза Каримовага тенг келадиган рақиб топилмади. Иккинчи ва учинчи ўринларни бошқарма ШТБХ бошлигининг ёрдамчиси, подполковник Шоҳиста Сартаева ва бошқарма ЭКБ эксперти, капитан Дилафруз Пардаева эгаллади.

Шашкачилар баҳсида вилоят ИИББ ЭХБ ходимаси Муқаддас Назарова барча рақибларини енгиб, голиб бўлди. Кейинги ўринлар эса Жиззах шаҳар ИИББ 1-ШМБ канцелярия катта иш юритувчиси, сафдор Ўғилой Саттарова ва бошқарма молия-иқтисод бўлими гуруҳ раҳбари, кичик сержант Гулбахор Расуловага насиб этди.

Шунингдек, вилоят ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ўртасида спортнинг энгил атлетика тури бўйича мусобақа ташкил этилди. Ўн учта жамоа қатнашган беллашувда иштирокчилар 100, 200, 400 ва 1000 метр масофаларга югуриб, ўз чопқирликларини синовдан ўтказишди.

Мусобақа якунига кўра, Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисм жамоаси аъзолари маҳоратларини намойиш этиб, умумий ҳисобида биринчи ўринга сазовор бўлди. Вилоят МХХБ жамоаси вакиллари иккинчи ўринга лойиқ кўрилди. Вилоят ИИББ ЭХБ терма жамоаси эса учинчи ўринни эгаллади.

Ҳар икки мусобақада совринли ўринларни кўлга киритган иштирокчилар ва жамоаларга диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Ўз мухбиримиз.
Жиззах вилояти.

ИИББ ЭХБнинг спорт тадбирларини ўтказиш режасига асосан ёнғин ўчириш амалий спорти бўйича Ўзбекистон Республикаси «Динамо» ЖТСЖнинг навбатдаги чемпионати Нукус шаҳрида ўтказилди.

ЧЕМПИОНАТ ЯКУНЛАНДИ



Ўзбекистон Республикаси ИИББ ЭХББ, ЁХОТМ, Навоий кон-металлургия комбинати ЁХТБ, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ИИБлари ЭХБларидан ёнғин ўчириш амалий спорти бўйича 16 та терма жамоа иштирок этди.

Чемпионатнинг биринчи кун 4x100 метрли ёнғин ўчирувчилар эстафетаси тури ўтказилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси терма жамоаси биринчи, Тошкент вилояти терма жамоаси иккинчи, Бухоро вилояти терма жамоаси эса учинчи ўринга сазовор бўлди.

Иккинчи тур – ишғол қилиш нарвонида ўқув минорасининг 4-қаватида кўтарилиш баҳсида умумжамоа ҳисобида пойтахт терма жамоаси голибликни кўлга киритди. Иккинчи ва учинчи ўринларни Тошкент ҳамда Қашқадарё вилоятлари терма жамоалари эгаллади. Шахсий натижалар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси терма жамоаси-

нинг аъзоси П. Ўразбаев энг чаққон эканлигини намойиш этиб, биринчи ўринга сазовор бўлди. Тошкент шаҳар терма жамоасининг аъзолари К. Бочаров ҳамда Б. Дудниковга иккинчи ва учинчи ўринлар насиб этди.



Уч тирсақли сурилма нарвонда ўқув минорасининг 3-қаватида кўтарилиш турида Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари иккинчи, Бухоро вилояти вакиллари эса учинчи ўринни эгаллаганини қайд этилди.

Юз метрга тўсиқлар оша югуриш турида Тошкент вилояти терма жамоаси энг чопқир ва эпчил эканликларини исботлаб, умумжамоа ҳисобида шохсупанинг энг юқори поғонасини эгаллашди. Навоийлик спортчилар эса маррага иккинчи бўлиб этиб келишди. Учинчи ўрин эса Навоий кон-металлургия комбинати терма жамоасига насиб этди. Мусобақанинг мазкур турида шахсий натижалар бўйича Андижон вилояти терма жамоаси аъзоси Э. Имомов голиб бўлди. Унинг жамоадоши С. Тожибаев иккинчи, Тошкент вилояти терма жамоаси аъзоси А. Шарипов эса учинчи ўринни эгаллади.

Чемпионат якунида умумжамоа ҳисобида Тошкент вилояти ва-

киллари биринчи ўринга лойиқ кўрилди. Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари иккинчи, Бухоро вилояти вакиллари эса учинчи ўринни эгаллаганини қайд этилди.

Чемпионат якунида голиблар медаль, Фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ж. ҲАКИМОВ,
майор.
С. ИСЛОМОВ,
катта лейтенант.

ГИЛАМДА – ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ

Навоий вилоятида ички ишлар идоралари ходимларининг жисмоний тайёргарлигини ошириш мақсадида турли спорт мусобақаларини ўтказиш яхши анъанага айланган. Яқинда ана шундай мусобақалардан бири – спортнинг миллий кураш тури бўйича вилоят ИИБ биринчилиги ўтказилди.

Унда иштирокчилар бешта вазн тоифасида голиблик учун кураш олиб боришди. Айтиш мумкинки, ҳар бир вазн тоифаси бўйича беллашувлар ниҳоятда қизиқарли ва муросасиз кечди. Ана шундай кескин курашлар натижасида 66 килограмм вазнда вилоят ИИББ ЭХБ ходими, сафдор Азиз Эргашев, 73 килограмм вазнда вилоят ИИБ хузуридаги кўриқлаш бошқармаси ходими, сафдор Рустам Остонов голиб деб топилди. 81 килограмм вазн тоифасида эса биринчи ўрин вилоят ИИБ хузуридаги кўриқлаш бошқармаси ходими, сафдор Азим Шодиевга насиб этди.

Оғир вазн тоифалари бўйича ўтказилган беллашуларда ҳам иштирокчилар бор маҳоратларини намойиш этишди. Жумладан, 90 килограмм вазн тоифасида вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони ходи-

ми, сафдор Азиз Халилов барча рақибларини мағлуб этиб, шохсупанинг юқори поғонасига кўтарилди. Вилоят ИИББ ХЧК ва ФРБ вакили, сержант Рустам Холиқов иккинчи, кўриқлаш бошқармаси ходими, сафдор Темур Шохмирзаев учинчи ўринни эгаллади. 90 килограммдан ортиқ вазндаги курашчилар орасида вилоят ИИБ хузуридаги кўриқлаш бошқармаси ходимлари, – сафдорлар Лазиз Сафаров ҳамда Фаррух Қодиров биринчи ва иккинчи ўринларни кўлга киритди. Жазони ижро этиш муассасаси ходими, сафдор Зоҳиджон Муҳаммадиев учинчи ўринга лойиқ кўрилди.

Мусобақа якунида голиб полвонлар муносиб тақдирланди.

Бобир ШАРИПОВ,
сержант.

Навоий вилояти.

▼ Психологик тест

ЎЗИНГИЗНИ БИЛИБ ОЛАСИЗ

Муҳтарама аёллар. Биз, эркакларнинг фазилатларимиз билан бирга камчиликларимиз ҳам бисёр. Айниқса, маиший ҳаётда. Шунга қарамай бизни боримизча яхши кўрганлигингиз учун сизларни эъзозлаймиз, хурмат қиламиз.

Куйидаги тест саволлари-га жавоб қайтаринг. Унда санаб ўтилган эркаклардаги ҳар битта ўзингиз ёқтирмаган, жаҳлингизни чиқарадиган жиҳат учун ҳисобингизга бир баллдан ёзиб бораверинг. Охирида тўплаган умумий балларингизга қараб ўзингизнинг қанақалигингизни билиб оласиз.

1. Телефонда жуда баланд овозда гаплашади.
2. Кечки овқатга кечикиб келади.
3. Дастурхонга таклиф қилсангиз, ўз вақтида келмайди.
4. Ухлаганда хуррак отади.
5. Тишини ювиб бўлгач, тиш пастасининг қопқоғини ёпмайди.
6. Пайпоқларини дуч келган жойга ташлаб кетади.
7. Кераксиз темир-терсақларни уйда сақлайди.
8. Эски кийим-кечакларни ташлаб юборишга рухсат бермайди.
9. Нарсаларни ҳеч қачон ўз жойига қўймайди.
10. Буюмларини дуч келган жойга ташлаб кетади.
11. Нукул нарсаларини тополмай, қаердалигини сўраб юради.
12. Жуда кўп вақтини футбол, хоккей томоша қилиш билан ўтказади.
13. Гаражга бир кирса, қайтиб чиқиши қийин.
14. Кўпинча чироқни ёқиқ қолдиради.
15. Ҳамма ёқнинг чироғини ёқиқ қўяди.

16. Чўмилаётганда қўшиқ айтади.
17. Дастрўмолини ўз вақтида алмаштирмайди.
18. Уяли телефонга ёки компьютерга «ёпишиб қолади».
19. Телевизорни жуда баланд овозда қўяди.
20. Телевизор олдида ухлаб қолади.
21. Ҳар қадамда соч тарайди.
22. Соқол олганидан кейин, чанокни ювиб қўймайди.
23. Тиш ювганидан кейин, чанокда тиш пастаси юқлари қолади.
24. Машина ҳайдаётганда қоидабузар ҳайдовчиларни сўқади.
25. Машина бошқараётганда кимдир ўтказиб юбормаса, асабийлашиб қаттиқ сигнал беради.
26. Жуда қаттиқ аксиради.
27. Эшикни қаттиқ ёпади.
28. Чўмилганидан кейин соч тараётиб, кўзгуга сув сачратади.
29. Телевизорни ҳадеб у каналдан бунисига олаверади.
30. Овқат қолдиқларини музлаткича қўяди.
31. Чойнакнинг жўмрагидан чой ичади.
32. Тез-тез эснайди.
- 0-8 балл. Сиз юовш, ширинсўз аёлсиз. Бўлар-бўлмасга эътироз билдиравермайсиз. Умр йўлдошингизнинг инсоний фазилатларини қадрлайсиз. Шунинг

учун майда-чуйда камчиликларига эътибор бермайсиз. Шунга муносиб равишда турмуш ўртоғингиз ҳам сизнинг айрим нуқсонларингиздан кўз юмади. Натижада оилангизда аҳил-иноқлик ҳукм суради. Келиб чиққан низолар ҳам тезда барҳам топади.

9-16 балл. Сизнинг маиший турмуш маданиятингиз юқори даражада. Ундай-мундай эркак бу даражага мос келиши мушкул. Ҳамиша атрофингизда батартиблик, орасталик ҳукм суришига ўрганиб қолгансиз. Айни пайтда ёнингиздаги одамга ҳар қадамда дакки бераверсангиз, ўзаро муносабатларингиз, оилавий муҳит ёмонлашувини яхши биласиз. Шунинг учун доимо эътирозларингизни ичингизга ютиб юрасиз.

17-24 балл. Турмуш ўртоғингизнинг кўп одатлари жаҳлингизни чиқаради. Гоҳида ўзингизни тия олмай қоласиз. Шундай кезлари хонадонингизда майда-чуйда жанжаллар юз бериб туради. Тўғри, бунда эрингизнинг ҳам айби бор. Аммо ўзингизни ҳам фаришта деб бўлмайди. Ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ деяверганингиздан кейин, албатта жаҳли чиқади-да.

25-32 балл. Оилангиздаги муҳитни қулай, тинч-хотиржам деб бўлмайди. Ҳар бир нарса асабингизни кўзитади. Бу ёмон аломат. Хойнаҳой, сизга турмуш ўртоғингизнинг одатлари эмас, ўзи ёқмаса керак. Агар унга муносабатингизни ижобий томонга ўзгартирсангиз, келажакда оилавий ҳаётингизда кўпгина кўнгилсизларга дуч келасиз.

Бу қизиқ!

ҲЕЧ НИМАДАН БИР НИМА

Таниқли сатирик ёзувчи Бернард Шоудан «Кимсасиз оролга борадиган бўлсангиз, ўзингиз билан қандай бешта китобни олган бўлардингиз?» деб сўрашганида, «Саҳифаларида ҳеч қандай матн бўлмаган китобларни» деб жавоб берган экан. АҚШдаги нашриётлардан бири 1974 йилда буюқ адибнинг ана шу фикрига асосланиб 192 бетлик бўм-бўш саҳифалардан иборат китоб чоп этди. Китобхонлар барча нусхаларни сотиб олишгач, китоб яна бир неча бор нашр этилди.

АЙБИ – ҚОРАЛИГИМИ?

Сўнги пайтларда аксар британияликлар қора тусдаги мушукларидан қутилиш тараддудига тушиб қолишди. Жониворлар учун мўлжалланган бошпаналар эгасиз қолган қора мушукларга тўлиб кетди. Ушбу бошпаналарга уй ҳайвони асраб олиш мақсадида келганлар эса уларга қиё ҳам боқишмаяпти.

Ўтказилган тадқиқотлар бунинг сабабларига ойдинлик киритди. Маълум бўлишича, қора мушуклар суратда хунук кўринишар экан. Жониворларни севувчилар бундан жудаям ранжишмаяпти. Уларнинг хафа бўлганича бор. Нима, ўша бечора мушукларнинг айби уларнинг қоралигимми?

Хорижий ОАВ материаллари асосида тайёрланди.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!	
Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги подполковник Абдулла ЗАКИРОВ нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.	Фарғона вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби истеъфодаги подполковник Махсум АБДУЛЛАЕВ нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.
ИИБ Академияси раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши Академия бошлигининг ўринбосари, подполковник Тоҳир Азимовга опаси НАЗИРА аянинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.	Транспортдаги ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Бухоро темир йўл бекатидаги тармоқ ИИБ Олот темир йўл бекатидаги тармоқ ИИБ бошлиғи, майор Ўткир Акрамовга падари бузруквори РАҲАБ отанинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.
Хоразм вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби вилоят ИИБ ҲООБ бошлигининг ўринбосари, подполковник Ботир Абдуллаевга укаси Ғафуржон АБДУЛЛАЕВ нинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилади.	Транспортдаги ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Бухоро темир йўл бекатидаги тармоқ ИИБ навбатчилик қисми катта инспектор-навбатчиси, майор Умид Қодировга падари бузруквори АКМАЛ отанинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.
	Транспортдаги ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Тошкент аэропортидаги тармоқ ИИБ ЖК ва УЖҚБ тезкор вакили, лейтенант Соҳиб Хушвақтовга ўғли ЯШНАРБЕК нинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилади.

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ
Келгуси ҳафта учун

КҮЙ
Яқин келажакда сизни нималар кутаётганини, қандай йўл тутишни билмайсиз. Ана шу номаълумлик туфайли бир томондан чўчисангиз, иккинчи томондан янги имкониятларга эга бўласиз. Ҳафтанинг ўрталарида юз берган айрим воқеалар кайфиятингизни туширади. Бошқалардан бир оз кўнглингиз совийди. Ҳафтанинг сўнги кунлари қатъиятли бўлсангиз, ишларингиз бароридан келади.

СИГИР
Назарингизда ўзингиз доимо ҳақдек туюласиз. Ваҳоланки, аслида бундай эмас. Кўпинча фақат ўз мақсадингизни кўзлаб ҳаракат қиласиз, бошқаларнинг фикрини ҳисобга олмайсиз. Янги ҳафтада эса ўзингизга нисбатан шундай муносабатда бўлишди. Бундан тўғри хулоса чиқариб, хатоларингизни тузатинг. Вазиятга қарши кураши чарчайсиз, лекин натижага эриша олмайсиз.

ЭГИЗАКЛАР
Ушбу ҳафтада айниқса қатъият ва тиришқоқлик талаб этиладиган соҳаларда омадингиз чопади. Моддий қимматликлар билан боғлиқ ҳамда молиявий ишларингиз бароридан келади. Куч-қувватингиз етарли бўлади. Бундан самарали ва ўринли фойдаланиб, аҳволингизни анча ўнглаб оласиз. Янги танишлар орттиришингиз мумкин. Сизни қизиқарли учрашувлар кутмоқда.

ҚИСҚИЧБАҚА
Агар оила қурмоқчи бўлсангиз, ҳозир бунинг учун қулай пайт. Руҳан хотиржам тортасиз. Молиявий аҳволингиз анча яхшиланади. Бунинг устига ҳафта охирида атрофингизда юз берадиган воқеаларга таъсир қилиб, бундан кўпроқ фойда олиш имкониятингиз кенгайди. Бунга кўп куч сарфлаб ҳам ўтирмайсиз. Қулай вазиятдан унумли фойдаланиб қолинг.

АРСЛОН
Аввалига ўзингизни гамжўр, оилапарвар инсондек тутасиз. Бошқаларга кўлингиздан келганча яхшилик қиласиз. Ҳатто ҳеч кимга гап қайтармайсиз. Кейинроқ феъллингиз айнийди. Ўзгаларнинг манфаатларини ҳисобга олмай, фақат ўз мақсадингизга етишга ҳаракат қиласиз. Натижада кўпгина ҳамкасбларингиз, ҳамкорларингиз, ҳатто яқинларингиз билан жанжаллашиб қоласиз.

ПАРИЗОД
Яна бошқаларга маслаҳат бера бошлайсиз. Баъзан масаланинг моҳиятига етмасдан, ким ҳақу ким ноҳақ эканлиги ҳақида ўзингизча ҳукм чиқарасиз. Албатта, бундай ёндашув ҳеч кимга ёқмайди. Шунинг учун келишмовчиликлар жиддийлашиб, ҳатто очик кураш тусини олиши мумкин. Ҳозир шахсий масалаларни ҳал этишнинг мавриди эмас. Фикрингизни ҳаммаша ҳам очик айтмаверманг.

ТАРОЗИ
Ушбу ҳафтада юз берадиган воқеалар обдон ўйлаб, оқилона йўл тутишингизни, тўғри қарорлар қабул қилишингизни талаб этади. Эҳтиросларга, ҳою ҳавасларга берилманг. Сизга бири биридан қизиқарли турли таклифлар қилишади. Улардан қай бирини танлашга қийналасиз. Ҳар қандай вазиятда ҳам оғир-босиқ бўлинг. Шунда бир тўхтамага келишингиз осон кечади.

ЧАЁН
Ҳамкорларингиз билан муносабатларингиз барқарорлашувини, ишингиз ривож топишини, севиш-севилишни, оилали бўлишни истайсиз. Барча орзуларингизни аста-секин амалга ошириш имкони бор. Фақат бунинг учун қатъий режа асосида астойдил ҳаракат қилишингиз, шунингдек сабр-тоқатли бўлишингиз лозим. Шошма-шошарлик ҳозирги вазиятда яхшиликка олиб келмайди.

ЁЙ
Бутун хаёлингиз кўпроқ пул ишлаб топиш, молиявий аҳволингизни яхшилаш каби моддий ташвишлар билан банд бўлади. Шунингдек, иш фаолиятингиз кўп вақтингизни олади. Шунинг учун кўнглингушликларга фурсатингиз бўлмайди. Таклифларингиз қўллаб-қувватланади. Балки, бошлигингиздан амалингиз оширилишини сўрасиз. Янги иш излаётган бўлсангиз, суҳбатдан муваффақиятли ўтасиз.

ТОҒ ЭЧКИСИ
Агар оилали бўлсангиз, турмуш ўртоғингиз билан ўзаро муносабатларингиз мураккаблашади. Ҳали оила қурмаган бўлсангиз, бу ҳақда жиддий ўйлаб кўришингиз фурсати етди. Акс ҳолда ёлғизликдан қийналасиз. Ҳаётингизда маъно йўқдек туюлади. Тушкунликка тушасиз. Мавжуд муаммоларингизни ҳал этиш йўллари таҳлил қилинг. Ўз устингизда ишланг.

ҚОВҒА
Ҳаётингизда ўзгаришлар юз бериши кутилмоқда. Ушбу ўзгаришларнинг ижобий ёки салбий хусусиятда бўлиши шу пайтгача ўзингизни қандай тутганингизга боғлиқ. Кўпроқ эзгу амаллар қилган бўлсангиз, тақдир ҳам сизга яхшилик билан жавоб қайтаради. Кўпроқ дилдорлик қилган бўлсангиз, шунга яраша таъзирингизни ейсиз. Агар сизга фойдали, лекин шубҳали таклиф қилишса, асло рози бўлманг.

БАЛИҚ
Ҳамма нарсангиз етарли. Турмушингиздан нолисангиз ношукурлик бўлади. Сизнинг ўрнингизда бошқа одам бўлганида оёғини узатиб ётарди. Аммо сиз бориға қаноат қилмай, янги даромад манбаларини излайсиз. Бунинг учун фаол ҳаракат қиласиз, керакли одамлар билан учрашасиз. Саъй-ҳаракатларингиз зот кетмайди. Муваффақиятларга эришасиз. Ҳаётингиз янада фаровонлашади.